

# Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН  
АДАБИЙОТИ ВА САНАТИ

1998 йил

# АДАБИЁТИ ва САЊЪАТИ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

30 январ, № 5 (3532)

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Абдуганиевич Каримовни  
«Амир Темур» ордени билан  
мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Ўзбекистон давлатчилигини барпо этиш ва жаҳон ҳамжамиятида миллатимиз обрусини юксалтириш, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлаш, маданий кадриятларни асраб қолиш ва ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олти йил тулиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов «Амир Темур» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси  
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 26 декабр.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари Президенти Уильям Ж.Клинтон билан.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ  
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,  
Таваллудингизнинг олти йиллиги муносабати билан Ҳиллари ва менинг самимий қутловларимизни ҳамда умрингиз узоқ ва баракали бўлсин, деган эзгу тилакларимизни қабул айлагайсиз.

Сиз шу табаррук ёшга етган кунларингизда Ўзбекистоннинг 1991 йилдан буён ҳайратга тушарли даражада эришган улкан ютуқларига назар ташлаш учун ута масъулиятли вазибаларингиздан бирозгина бўлса-да фурсат топарсиз, деб умид қиламан.

Ҳиллари утган йилнинг ноябр ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Сизнинг самимий меҳмондустлик курсатганингизни ҳаяжон билан эслайди. Ўзбекистонда унга тақдим этилган ажойиб совғалар учун Сизга шахсан ташаккур изҳор этишдан бахтиёрман.

Янги йил Сиз учун янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат йили бўлишидан умидворман.

Камоли эҳтиром ила,  
Уильям Ж. КЛИНТОН,  
Америка Қўшма Штатлари Президенти

1.

Бултур, мустақиллик байрами арафасида «Бекиёс бог» деган бир мақола ёзган, унда олти йил муқаддам барпо этилган истиқлол боғи ҳақида фикр юритган эдим. Биз баъзан ниҳол эканмиз-у, орадан бир йил ўтар-утмас унинг ҳосил беришини истаб қоламиз, бесабрлик қиламиз. Ҳолбуки, ҳар қандай боғ, қанчалик парвариш қилманг, бир-икки йил ичида ҳосилга кирмайди, чунки шафтоли учинчи йили мева берса, ўрик ва олма тўрт-беш йилда, ноку ёнғоқ эса сал кам ун йилда ҳосилга кирди. Аммо бугун ўйлаб қарасам, ушанда мен барибир янглишган эканман. Бор-йўғи олти-етти йил аввал асос солинган истиқлол боғининг жуда кўп ниҳоллари эрта етилади—биз кутгандан ҳам олдин мева бера бошлади. Бу неъматлар турмушимизга файз киритмоқда, ундан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Бугун нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон матбуот тилида — Қоровулбозор! Баъзан ўйлаб, ёқамни ушламан. Гийҳ усмайдиған бепоев бу дашту биебонни сунгги марта курганимга неча йил бўлди? Нар и борса, уч ярим йил. Ушанда зарур бир иш билан Бухорога борган ва саҳрони кесиб ўтган эдик. Бугун донги оламга кетган нефтни қайта ишлаш заводи ҳақида ҳали кўпчилик билмас, у фақат лойиҳадагина мавжуд эди, холос. Аммо дашта иш қайнар, бир томонда геололар ер ости сувларини ўлчаётган бўлса,

бир томонда геодезистлар завод қад ростлайдиган жойни харитага туширар, яна бир томонда эса курувчилар завод пойдевориға бетон қуйиша киришган эди. Бугун эса... кечагина утқазилган бу ниҳол, йўқ, ниҳол эмас, тўрт юз гектар жойни эгаллаган бу бекиёс «боғ» миллион-миллион тонна нефтни қайта ишлаб, аъло нав бензин, газ, мазут, керосин тайёрлаб бермоқда. Олтинга тенг бу ноёб бойлик бамисоли тандирдан ҳозиргина узилган иссиқ нондек, бозор иқтисодиёти қийинчиликларига чидаб, меҳнат қилаётган заҳматкаш халқимиз дастурхонига кут-барак киритмоқда. Бугун мевага кирган бундай боғлар биттами? Йўқ, уларни санаб, адоғига етиш учун қўлимиздаги унта бармоқ у ёқда турсин, юзта бармоқ ҳам камлик қилади. Лекин гап фақат заводда эмас, гап одамларда, иқтисодий, маънавий ислохотларда...

Ахир, энг замонавий бу заводнинг ута мураккаб цехларини куни кеча чет эллик инженерлар бошқараётган бўлса, бугун уларнинг ўрнини ўз фарзандларимиз эгалламоқда. Бу мураккаб касбларни ўрганиш, илм олиш учун юзлаб истеъдодли йигит-қизларимиз ҳар йили Америка, Германия, Франция, Япония каби хорижий мамлакатларга, нуфузли олий ўқув юрталарига юборилмоқда.

Мустақиллик йилларида қаддини тиклаган мевали боғлар орасида яна бир куркам «боғ» борки, унинг шўҳрати ҳам эндиликда тилларда дoston. Бу — Муборак газни қайта ишлаш заводи.

Сира ёдимдан чиқмайди. Олти йил икки йилларнинг бошида Қашқадарь дашти қаъридан илк бор газ отилиб чиққанида россиялик мутахассислар одам тик турса ҳам,

боши тегмайдиған баҳайбат қувурларини судратиб, ширинлиқни сезган пашшадай ёпирилиб келишган эди. Ва ҳаш-паш дегунча, бу қувурларни чўл бағрига қадаб, тенгсиз неъматимизни Урол томон оқизиб кетишган эди. Газ қонига туташ қишлоқлар аҳли эса қўзлари мултираб қолаверган, муштипар оналаримиз худди авалгидек қўллари—қосов, тандирига тўнка ёқиб нон ёпишган, қаҳратон қиш кунлари эса қий ва тезак ёқиб, жон сақлашган эди. Бу хазинани топишда хизмати синган Ҳабиб Абдуллаевдай ватанпарвар олимларимиз: — Муборак газ — бебаҳо неъмат, уни тежаб ишлатайлик, у келгуси авлодларимизга ҳам қолсин! — дейиша журъат этганлариди калтакнинг остиди қолиб кетишган эди. Аллоҳга шукроналар бўлсинки, бу «боғ»нинг меваси ҳам бугун ўз дастурхонимизни беэаб турибди.

Утган йили ёзда, уч киши, Асака автомобил заводининг жажжи «Тико»сида водийга — сафарга чиқдик.

## Маънавият

Мамлакатимизни нафақат Хитой, балки бутун Шарқ билан боғлайдиган бу йул эрта-индин ишга тушади. У ҳам истиқлол меваси бўлиб, халқимиз дастурхонини тўкин қиладиган омиллардан бирига айланади. Лекин гап фақат бу қурилишда эмас. Биз чопқир тойчоғимизда қушдай учиб борар эканмиз, яна бир нарсадан ҳайратга тушдик. Ҳануз қурилиш кетаётган катта йўлнинг қалтис бурилишларию пасту баландини писанд қилмай бир-бирини қувиб, гизиллаб ўтаётган энгил машиналарнинг ҳамамда саксон физио Асаканинг «Нексия»сию «Тико»си, халқ эрқалаб «булка нон» деган «Дамас» машиналари эди. Уларнинг олдида «Москвич», «Жигули», ҳатто «Газ-31» ҳам қандайдир ҳориб-толиб қолган отларни эслатарди. «Нексия» яқши машина, учқур машина, у илдамлаганда худди боболаримиз минган машур йўргалардек «майин» чопади. Аммо «Тико»!.. «Тико» роҳатинг бир улов экан. У учқур тойчоқ эмас, миттигина муъжаз қушча экан. Бу қушчамиз «Газ-31» у ёқда турсин, ҳатто «Мерседес»ларни ҳам қувиб ўтиб, бор-йўғи уч ярим соат ичида Қўқонга кириб борди. Қайтишда ҳам шундай ёлиб, қандайдир ҳориб-толиб қолган отларни эслатарди. «Нексия» яқши машина, учқур машина, у илдамлаганда худди боболаримиз минган машур йўргалардек «майин» чопади. Аммо «Тико»!.. «Тико» роҳатинг бир улов экан. У учқур тойчоқ эмас, миттигина муъжаз қушча экан. Бу қушчамиз «Газ-31» у ёқда турсин, ҳатто «Мерседес»ларни ҳам қувиб ўтиб, бор-йўғи уч ярим соат ичида Қўқонга кириб борди. Қайтишда ҳам шундай ёлиб,

Одил ЁҚУБОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## ИСТИҚЛОЛ БОҒИНИНГ ТЎКИН МЕВАЛАРИ

Ўтган йиллар ёди: юртимиз, юртбошимиз ва юртдошлар  
ҳақида ҳикоя

Биз довон йўлидаги қурилишни, бу йул қўшни Қирғизистон орқали юртимизни Хитой билан боғлашини билар эдик, албатта. Аммо минг эшитгандан бир курган афзал деб йўлни шу ёққа бурдик, довондаги қурилишнинг ҳайбатини қуриб, ростки, ҳайратга тушдик. Одам—бамисоли чумоли! Лекин одамдан ҳам техника кўп. Моторлар гувиллаш осмону фалакка ўрлайди. Қўлатилаётган қояларнинг тоғу тошга ўрилиб, берган акс-садосидан қорли тоғлар ларзон-ларзон. Биз аввал тош ва цемент ташиётган Камазлар, тоғу тошларни суриб, йўлни кенгайтираётган грейдер ва булдозерларни битта-битта санай бошладик. Бироқ кўпга бормай чалғиб кетдик. Машҳур Камчик довонига етганимизда қоронғу тушди. Ва биз икки томонга учиб ўтаётган машиналарнинг тигизлигидан тўхташа мажбур бўлдик. Шу пайт ажиб бир муъжиза рўй берди. Туннел рупарасида, юзларча, балки мингларча чироклар бирдан ярқ этиб ёнди-ю, қуйдаги тубсиз дара ва осмон қаъридаги қорли йўқилар кундузгидек ёришиб кетди. Шундан кўз олдимизда илгари ҳеч қачон кўрмаган улғувор манзара намоён бўлди: баҳайбат тоғни тешиб ўтаётган бу туннелларнинг ичи ва ташида юзларча булдозер ва грейдерлар ишламоқда эди! Бу қудратли машиналарни жилолаб олган доворак йигитлар туннелдан чиқаятган тоғ жинсларини жар ёқасигача суриб келардилару тубсиз дарага ағдариб, моҳирлик билан яна орқага тисарилар эдилар.

Биз вужудимиз жимирлаб бу қаҳрамонона манзарани кузатар эканмиз, дилимизни яна уша ҳаяжон, яна уша ифтихор ҳисси чулғаб олди.

Давоми иккинчи бетда

## ЧЎЛПОН ВА ЎЗБЕК ТЕАТР САЊЪАТИ

Чўлпон Комил Яшин ва Ҳалима Носировалар оиласига жуда яқин эди. Ҳалима Носированинг етуқ театр актёри, айниқса, опера артисти бўлиб етишишида Чўлпоннинг ҳиссаси жуда катта бўлган. Унинг таланти тўғрисида Чўлпон махсус мақолалар ёзган. Ҳалима Носирова Чўлпон асарларида, В. Ян билан яратган «хужум» спектаклида, Чўлпон таржимасида қўйилган спектаклларида бош ролларни ижро этган. Айни чоғда Ҳалима Носирова

Чўлпоннинг кўплаб қушиқларини, жумладан, «Галдири»ни талант ва эҳтирос билан ижро этган, кўпгина шеърларини ёд билган. Камина Ҳалима опа билан суҳбат қилган пайтларимизда у киши Чўлпоннинг талайгина шеърларини ёддан айтиб берардилар. Чўлпоннинг тулпамларида ва вақтли матбуотда ҳали учрамаган шеърлари ҳам бўлар эди булар ичида. Опа биз ўтиришда унинг бир шеърини парча ўқиб, янаги учрашувда бироз

тулароқ шаклда айтар эди. Охири, 1996 йил 14 августда шу шеърни тулароқ айтгандай бўлди. Уни ёзиб олдим. Шеърнинг биринчи сузи ва мазмунига қараб уни «Лабларинг» деб шартли сарлавҳаладим. Семги туйғуларини гоят самимий, нозик ва эҳтиросли пардаларда ифодалаган бу шеърни сиз газетхонларга тақдим этсам, деб уйладим.

5-бет

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

## ҲУРУР ВА СУРУР

Ўзбек ўғлини, фазоир Солижон ШАРИПОВга

Қўндириб бошига чуст дўпписини,  
Жаҳонни кўксига кўтарган ўзбек!  
Бугун фазоларда кўрди ўзини,  
Мана, осмонда ҳам энди меҳмон-бек!  
Минг шукур, ушалди асрий ул армон,  
Асил ҳақиқатга айланди хаёл.  
Ердан самога ҳам қўйилди нарвон,  
Орау қанотида кучдик бахт-иқбол!  
Юлдузларни санаш аслида бизга  
Улғубек бободан хайрли мерос!  
Кимки азиз бўлса Оллоҳимизга,  
Замину фалақда топажак эъоз!  
Солижон етказди Ер саломини  
Фазо кemasида арши аълога.

Оламга танитиб ўзбек номини,  
Уни яқин қилди Тангри-таолога!  
Ўзлгин намоён айлар Туркистон,  
Тилади дуолар Ер элчисига.  
Иймондан яралди обрў, шараф-шон,  
Қалбим бахшидадир суюнчисига!  
Кўкда Ой, юлдузлар ёғдусин сочиб,  
Кўш ўлар ўғлин пешонасидан.  
Қутлар хур Ватани бағрини очиб,  
Ҳаёт бошланади остонасидан!  
Қўзин қароғидир она Ер, Дийёр,  
Солижон инсонларга шарифдир олам!  
Муборак кунларда кўришдик дийдор,  
Бир-бирин соғиниб яшайди Одам!

## ИЙМОН ВА ЭЪТИҚОД БАЙРАМИ


Бугун бутун Ислам оламида катта шодиёна — Рамазон ҳайити! Бугун аҳли-муминлар мусулмончиликнинг беш устунидан бири — уттиз кунлик руза тоат-ибодатларини эсон-омон адо эканликларини, шу асно нафсоний ва жисмоний, руҳий ва маънавий синовлардан утганликларини байрам қилмоқдалар. Бу улуг ва муборак кун бизнинг юртимизда ҳам кенг нишонланмоқда.

Бу тонг деярли барчамиз қалбимиз алланечук сирли-сеҳрли, соф-самимий туйғуларга тўлиб, уйқудан кўз очдик. Ювиниб-тараниб, покляниб, чиройли ва тоза кийиниб ҳайит намозларида қатнашдик. Ҳозир эса кимдир ота-онасини зиёрат қилиб, ёру биродарларни кутламоқда, хаста-ноғиронлар аҳволидан хабар олмақда. Кимдир фарзандларига ҳайитлик улашиб, ҳожатмандлар кўнглини кўтармоқда, кумак — малҳам бермоқда. Ҳализамон янги келинчак тушган хонадонлар ҳам янада гавжумлашиб, салкам тўйхонага айланиб кетади. Ширин-ширин суҳбатлар, бор-бирига бахт-саодат тиллашлар авжига чиқди.

Зеро, Рамазон ҳайити иймон-эътиқод айёмидир. Асл моҳияти билан тинчлик ва тотувлик, осойишталик ва барқарорлик, меҳр ва оқибат, саховат ва мурувват айёмидир.

Келинг, мана шундай қутлуг онларда яна бир бор яқши истакда дуога қўл очайлик: Рамазон ҳайити ҳурмати Аллоҳ-таоло билиб-билмай қилган ҳато-ғуноҳларимизни ўз фазлу қарам ила авфу маҳфират қилсин. Тутган рузамизни, тоат-ибодатларимизни қабул этсин. Келаси Ийд Рамазон кунларига ҳам соғ-саломат, тинч-омон етиб боришимизни бизга насиб айласин.

Ҳайитингиз муборак бўлсин! Эзгу дуоларимиз ижобат топсин! Иймон ва эътиқод нури қалбларимизни тарк этмасин!



СУРАТДА: (чапдан) Солижон Шарипов ва «Ўзбекиноот» раҳбари Шавкат Воҳидов.

Боши биринчи бетда

қий топган мамлакатлар пойтахтларига ухшаб кетган! У Шарқ ва Ғарб маданиятлари равангага хизмат қилувчи йирик марказга айланиб бораётми? Бу улугъ узғаришларнинг бош архитектори ким? Албатта, Ислоҳ Каримов!

Биз бу кишининг инсоний жиҳатлари ҳақида кўпроқ билишни истаймиз. Президентингизни фақат Манас, Жамбул ва Абай тўйларидан курганимиз, холос. Бирда хуррият ҳақида жиддий гапирса, бирда тўйга йирилганларни кулдириб, Абай ва Жамбул уланларини эса олиб тулкинланиб айтган сузларидан биламиз. У киши атоқли давлат арбоби, бунга ҳам биламиз, лекин инсоний сифатлари, зийлиларга муносабати, халқ билан қириниши қандай—бунга ҳам билгимиз келади. Очигини айтсақ, у кишининг шахсига қизиқиш катта, ҳурматимиз ҳам баланд.

Бу фикрни Чингиз Айтматов билан Қолтой Мухаммаджонов, айниқса, куп таъкидлаган.

Ростини айтсам, қозоқ ва қирғиз дўстларимнинг гапларида жон бор. Эҳтимол, шу гаплар таъсиридадир, сунгги пайтларда улугъ бобомиз номи билан аталган хиёбонга тез-тез боргим келадиган бўлиб қолди. Биз талабалик чоғимизда бу хиёбоннинг қўқ уртида, баланд мрамор тош устида жажон йўқсиллари «дохийси»нинг серсоқол калласи кунжаиб турар эди. Ақси олиб, тош калла турган хиёбонда арохонаю пивхоналар ҳам куп бўларди. Шаҳардаги пиёнистлар «дохий»ни зиёрат қилиш учун эмас, балки уша майхоналарга оқиб келишар, сунг маст-аласт бўлиб чиқиб, бир аҳволда хиёбондаги уриндикларга чўзилышар, пинакка кетишар эди. Эндиликда бу хиёбон халқимизнинг севимли истироҳатгоҳига, сулим ва сокин бир паркка айланган. Унинг марказида—кунгилларга ифтихор бағишлаб буюк бобомиз тулпор устида кур тукиб турибди. Хайкал рупарасида хиёбонга туташ муҳташам ва улугъвор бино— бобомиз музейи. У маҳобати ва чиройи билан марказга курк бағишлайди. Ҳозир бу музейни нафақат пойтахтга келган ҳамюртлар, балки бутун дунёдан оқиб келайтган сайёҳлар, машҳур давлат арбоблари ҳам курмай кетмайдилар. Хиёбонда ҳукм сурган сокинлик ва осуда руҳ кишини аллақандай мунаввар, покиза хаёл оғушига тортади, хотиралар турна қатори бўлиб кунгилдан кечаверади.

Дарҳақиқат, бундоқ уйлаб қарасақ, Муस्ताқилликка эришганимиздан кейин биродарим Қолтой айтганидек, маънавият ботида ҳам бир дунё иш қилинган экан. Улугъ бобомиз Амир Темурдан ҳам аввал руҳий раҳнамоларимиз Баҳовуддин Нақшбанд, Кўл Хожа Аҳмад Яссавий, Имом ал-Бухорий каби буюк уламоларимизни оқлаб, уларнинг бебаҳо меросини халқимизга қайтариб бера олди-ку! Бунинг учун ҳам озмунча журъат ва фидоийлик талаб этилмас эди!

Хануз ёдимда: бобомиз Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишланган ва дунё миқёсида нишонланган тантанادا Ислоҳ Абдуганиевич шахсан иштирок этган, у киши буюк тасавуф намояндаларининг «Дилинг Аллоҳда, кулинг меҳнатда бўлсин» деган таълимоти билан кўнглинг ва халқимизга ҳалол хизмат қилинганлар, дегандек вилоят ҳокимларини ҳам Бухорога бошлаб борган ва улугъ салафимиз қабрини бирга зиёрат қилган эдилар. Ундан кейин жажон миқёсида утган илмий конференциялар, Кўл Хожа Аҳмад Яссавий ва Имом ал-Бухорий меросига бағишланган анжуманлар, санъатимиз доврғини оламага ёйган «Шарқ тароналари» ва халқаро киноанжуманлар, қадимий шаҳарларимизнинг 2500 йиллик тўйлари, улкан олим ва истеъдодли шоирларимиз, рақосаларимиз, хонандаларимизнинг Париж ва Лондон, Олмония ва Америкадаги чиқишлари... Ҳозир буларнинг қайси бирини айтиб, адогига етиш мумкин? Ахир, бу гузал амаллар юртимиз доврғини дунёга ёйди-ку, гуруримизни осмон баробар кутарди-ку!

Ҳануз мен бухорилик бир шоирнинг ёзганларини ўқиб қолдим. Шоиримиз собиқ иттифоқ халқ депутатлари Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини ўтказиш ҳақида собиқ иттифоқ Олий Кенгашига тақлиф киритишган, аммо бу тақлиф ўтмаган, деб ёзибди. Чамаси, собиқ депутатлардан биронтаси шоиримизни чалгитган. Чунки у пайтлар бундай тақлиф киритишга ҳеч кимнинг юраги бетламас эди, бунга журъат қилган одамнинг тили кесилар, бошида ёнғоқ чақилар эди. Бундай кунларга етиш учун авваламбор муस्ताқилликка эришиш, кейин эса тўғри йўлга тушиб олишимиз лозим эди. Шу ҳақда уйласам, беихтиёр бир мунча муддат кетма-кет мамлакатимизни бошқарган собиқ раҳбарлар едимга тушади. Йўқ, мен бугун уларнинг юзига қора чаплаб, бошларига маломат тошини отмоқчи эмасман. Умуман, вақтида салтанат эгасининг этганини ўзим, у амалдан кетган, устига чиқиб тепиш— ҳазар қилгулик иш. Лекин бир чигал савол хаёлимда айланган-айланган. Ушу, уша халққа огир булган йилларда уша раҳбарлар бутун масъулиятни зиммасига олиб нега бу лавозимга келдилар-у, нега исзис кетдилар? Шундай юксак лавозимни эгаллагач, Ўзбекистон учун, она халқи учун эсда қоладиган бирор-бир иш, бирорта яхшилик қилдиларми ўзи ёки йўқми? Бу саволга афсус-надомат билан «йўқ!» дейишдан бўлак жавоб топа олмайсиз. На ҳора? Улар узларининг ношудлиги, журъатсизлиги ва курқоқлиги сабаб ҳам узлари панд еди, ҳам халқимиз бошига огир муСОбатлар келтирди...

Худо курсатмасин, мабодо улар кейинчалик ҳам салтанат тепасида туришганда собиқ иттифоқ барбод бўлиб,

истиқлол масаласи кундаланг қуйилганда... ким билсин, «Йўқ, бизга мустақиллик керак эмас!» Уламан саттор, биз Иттифоқдан ажралмаймиз!» деб оёқ тираб туриб олар-мидилар?!

Ғариб бу аччиқ гапларни айтишни истамасанг-да, айтишга мажбурсан. Чунки биз айтмасак, халқ айтади, келажак шундай ҳукм чиқаради. Яна шуини ҳам борки, бу аччиқ ҳақиқатни тан олмай туриб, республикамизда қўлинаётган улкан ишларнинг қадрига етишимиз, уларнинг аҳамияти ва куламини ҳаққоний баҳолай олишимиз қийин.

Эши бир жойга борган одам, гоҳо кечалар уйғониб, уйкум қочиб, хаёл суриб кетаман. Шундай уйқусиз тунларда шу она заминда содир бўлаётган оламшумул узғаришларнинг бош архитектори, у кишининг ақл-заковати, иродаси ва салоҳиятини намойён этувчи воқеалар бир-бир ёдимга тушади...

II.

Собиқ иттифоқ даври, иттифоқ халқ депутатларининг сергалва, сержанжал сессияси. Ит эгасини танимайди. Не машаққатлар билан суз олиб, минбарга чиққан депутат у ёқда турсин, сессияни бошқараётган раиснинг гапига ҳам кулоқ соладиган одам йўқ. Кремлнинг муазам залини тўлдирган беш мингага яқин депутат баробар бақариб— қақиради, депсинади, нотиклар тугул, раисга ҳам гап қайтариб, ҳақорат қилиш даражасига бориб етишади...

ИСТИҚЛОЛ БОҒИНИНГ ТЎКИН МЕВАЛАРИ

Бир сафар, сессияни бошқараётган Озарбойжоннинг уша пайтдаги биринчи котибини ҳатто раислик курсидан ҳайдаб тушишларига оз қолди. Шурлик раис қарайдики, бебоз зални жиловлаш қийин. Шунда у депсинаб, аюханнос солаётган депутатларга: «Мени раисликдан озод этинглар!», дея илтижо қилди.

Уша куними ёки эртасига мажлисини бошқариш навати Ислоҳ Абдуганиевичга етиб келди. Биз— ўзбекистонлик депутатлар «Нима бўлар экан?» деб юракларимизни ҳовучлаб утирибмиз. Зал одатдагидай бўлисанд, шовқин-сурон кутара бошлади. Шундан кейин нима бўлди денг? Ҳеч қутилмаган бир мўъжиза юз берди.

Ислоҳ Абдуганиевич қаттиқ норози бўлиб пича сукут сақладилар, сунг факулда бир журъат ва қатъият билан залга мурожаат қилдилар: «Шу бугунгача, — дедилар у киши, — мен депутат деганида бир-бирини ҳурмат қиладиган, бир-бирини тинглай оладиган юксак маданиятли кишиларни куз олдимга келтирар эдим... Бу— нима деган гап? Биз киммиз ўзи? Халқ ишонч билдирган унинг вакилларимизми ё кучадан келган оломонимизми? Раис сифатида қатъий талаб қиламан: кимда-ким суз олган нотикнинг галини эшитишни истамаса, марҳамат, залдан чиқиб кетсин!

Кутилмаган бир шиддат ва қатъият билан айтилган бу гапдан кейин оддий депутат тугул, ҳатто Бош котибини ҳам писанд қилмайдиган зал, афтидан, хангу манг бўлиб, сув куйгандай жимиб қолди. Ва бу осойиш токи Ислоҳ Абдуганиевич раислик ваколатини топишгунча давом этди. Кейин у киши чиройли бир ҳазил-муйойба аралаш танаффус эълон қилдилар. Депутатлар галаговур билан уринларидан туришди, ора-сера: «Нима бўлди, ўзи, бу одам бизни сеҳрлаб қўйдими?» деган ҳайратомуз шивир-шивирлар ҳам кулоққа чалинди.

Танаффус пайтида Кремлнинг улкан фойесида айланб юрган эдим, рупарамдан Чингиз Айтматов чиқиб қолди, у мени қўлтигимдан олиб бир четга бошлади. — Уйламай-нетмай «Фаргона фожиасига бир товоқ кулупнай сабаб» дегани учун аввалги раҳбарларингни мазах қилиб юрганлар... бугун ҳайратга тушдилар-ку! — деди у кулиб. — Москва матбуоти ўзбек халқининг бошига хануз мазава тўкаётган бир пайтда бугун бу кишининг ўзини туттиши, шиддати, нутқи... Сизлар раҳбарга ёлчиганга ухшайсизлар! Мен жуда-жуда хурсандман!

Албатта, гап кулловда эмас. Биз учун энг қувончли си шу бўлдики, уша даврда «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган бухтонлар сабаб эгилган қаддимиз юртбошининг қатъиятли ва адолатли чиқишлари туфайли қайта ростланди. Умид қиламанки, кўплар беҳабар булган бу тафсилот ёшлар учун, тарих учун асқотади...

III.

Биз уша кунларни ёдга олганда яна бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак. Ислоҳ Абдуганиевич республиканинг биринчи раҳбари бўлиб келганларида Фаргона ёнғини халқ босилмаган, айрим жойларда босилган бўлса-да, айрим жойлар хануз тутаб ётар, ахли юрт нотинч эди. Уша мушкул дамлар бу фожианинг шоҳиди бўлган журналистлар, қочоқлар янги раҳбаримизнинг мардлиги, довораклиги ҳақида тулкинланиб гапирганларини куп эшитганман. Маҳаллий раҳбарлар уз жонлари қайғусида пана-пасткамга ашириниб юрган бир вазиятда Ислоҳ Абдуганиевич ўт ичидан, жунбушга келган одамлар орасида юриб, жабрдийдаларга таскин бераётгани, халқни вазиинликка ундаётгани ҳақида ҳиқоқа қилишган. Фаргона алангаси хали учмасдан туриб, Уш фожиаси бошланди. Бу нотинч, беҳаловат кунларда Президентимиз ҳатто узидан кечиб курсатган фидоийлик ҳақида куп ёзишган. Бунга фақат бир тафсилотни қўшиш мумкин: утган йили ёзда, Бишкекда Иссиқкул анжуманининг ўн йиллиги нишонланди. Унда ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор, шунингдек, дунёнинг машҳур адиблари, олимлари иштирок этишди. Анжуман давомида ёзувчи ва олимларнинг халқлар орасида тинчлик, тотувлик, аҳиллик, тенг ҳуқуқлилиқ урна-тишдаги хизматлари ҳақида куп гапирилди. Шунда Чингиз Айтматов ҳам, Қирғизистон Республикаси Президенти ҳам бир ҳақиқатни қайта-қайта таъкидлашди: «Албатта, биз ҳам бу мудуиш ёнғин пайтида бир чеккада томоша-бин бўлиб турмадик. Аммо Уш ёнғинини учуришда асосий ишни қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовдир. Агар Ислоҳ Каримов матонат курсатмаганида Уш фожиаси нима билан тугашини тасавур ҳам қила олмаймиз! Энг нотинч паллада Ислоҳ Абдуганиевич кечани-кеча, кундузни-кундуз демой чегара-

да йирилган халойқ ичиде юрди, уларни осойишталикка чақирди, ҳамжиҳатликка даъват этди. Бехуда қон туқилишининг олдини олди!»

Каранг, яхшилик ҳеч қачон унутилмас экан! Юртбошимизинг Уш фожеаси пайтида курсатган инсонпарварлиги, жасорати шунча йил утгандан кейин ҳам қайта-қайта тилга олинади.

IV.

Олий Мажлисининг сунгги сессиясида тугилган кунига олтимиш йил тулиши муносабати билан юртбошимиз «Амир Темур» ордени билан тақдирландилар, депутатларимиз дил сузларини айтиб кутладилар... Шунда бундай уйлаб қарасам, мен ҳам қатор сафарларда Ислоҳ Абдуганиевичга ҳамроҳ бўлган, у кишининг самимий суҳбатларини олган эканман. Телевизор орқали ҳаёжонли тавсифларни эшитар эканман, Ислоҳ Абдуганиевичнинг сафар чоғида айтган гаплари, самимийлиги, дилкашлиги, одабийлиги менинг ёдимга тушди...

Устоз шоиримиз Гафур Гулом таваллудининг туқсон йиллигида Президентимиз ҳаммамизнинг вужудимизни жизиллатиб юборган бир гап айтдилар:

— Гафур Гулом ҳаёт пайтида, — дедилар у киши, — бу шон-шухратларни курмай оламдан ўтиб кетди. Келинлар, эндиликда шундай қилайликки, халқ ардоғига сазовор булган олим ва ёзувчиларимиз бу эъозларни узлари ҳаёт вақтларида куриб қолсинлар...

Бу гаплар замирида меҳр-оқибат, инсоний қадр-қиммат билан боғлиқ адолатли даъват борки, биз уни бағоят қадрлаймиз.

V.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани оқсоқоллар кенгаши раиси, мўътабар инсон Сайфулла ака Оқмирзаев бундан етти-саккиз йилча муқаддам катта бир анжуманда нутқ сузлаб, юртни аҳил-тотувликка чақирган. У кишининг айтган гаплари Ислоҳ Абдуганиевичга маъкул тушган. Шундан буён юртбошимиз Сайфулла акани курган жойларида, албатта, саломлашиб, ҳол-аҳвол сурайдилар.

1992 йили Сайфулла аканинг бошига огир кулфат тушди: жуфти халоли ва бир фарзандидан айрилди. Ўзи билан ўзи овора бўлиб, бунга қўчликка айта олмади. 1993 йили апрел ойида эса оқсоқол йил оши берди. Уша маҳалдаги туман ҳокими бунга Ислоҳ Абдуганиевичга етказди. «Бунга қарангки, — деди Сайфулла ака, — Президентимиз наҳорда ошга етиб келса-лар буладими! Эшикда бел боғлаб турган қариндош-уруғлар, турда утирган ёши улуглар билан бир-бир сурашдилар. Ошдан кейин қўчликнинг дуосини олиб хайр-ладдилар. Ахли юрт у кишининг умрига баракка тилаб, кузатиб қолди...»

Мўътабар оқсоқолимиз бу воқеани эслар эканлар, кўзлари намланди. Бу фақат шу оқсоқолга курсатилган муруват эмас. Юртбошимиз ҳаммага бирдай, хусусан, шу юрт ободлиги учун оромидан кенган ахлларга алоҳида меҳр курсатдилар, бошига ташвиш тушган одамларнинг кунглини кутарадилар, иқтидорли ёшларнинг бошини силайдилар...

VI.

Бултур ёзда атоқли адабиётшунос олимимиз Озод Шарифидинов — хасталик сабаб — шифохонага тушди ва огир операцияни бошидан кечирди. Мен бу ҳақда эшитгач, уни йўқлаб бордим.

Озод, лаблари аранг қимирлаб, операция қандай ўтгани ҳақида гапириб берди. Гап орасида у шифохонага тушганидан хабар олган Ислоҳ Абдуганиевич кунгил сураб вакил юборганини айтди. Дуою салом ва яхши тилаklar билан бирга Президентимиз совга-саломлар ҳам бериб юборган эканлар...

— Ишонсанми, дустим, — деди Озод култ ютини, — Президентимизнинг эътибори хориждан олиб келинган новб дориларидан ҳам яхшироқ таъсир қилди. Улдим, деб ётган одам, мана бугун шифо топиб, эрта-индин ишга чиқаман, деб умид қилаяман!...

Ёзувчилар уюшмасида ишлар эдим. Бир кунги Президентимизнинг Давлат маслаҳатчиси телефон қилиб: — Саид Аҳмад ака касалхонадан соғайиб чиқибдилар, — деди. — Ислоҳ Абдуганиевичнинг дуою саломини етказиб, совгаларни топишар эканмиз!

Топириқни адо этдик. Оқсоқол адабиимизнинг кунгли тоғ қадар усди...

VII.

Кунга кеча Москва телевидениеси қалбимизда ҳақли равишда ифтихор уйғотадиган бир воқеани намойиш этди. Ислоҳ Абдуганиевич Г. Плеванов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг фахрий аъзоси юксак илмий унвонига сазовор бўлди. Шу муносабат билан атоқли рус олимлари суз олиб, нотинч минтақада жойлашган бўлишига қарамасдан Ўзбекистон кейинги йилларда салмоқли ютуқларга эришганлигини эътироф этишди. Бир кун аввал эса Олмонияда Ислоҳ Абдуганиевичнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асарининг тақдими бўлиб ўтди. Сузга чиққан машҳур немис олимлари, Парламент депутатлари, ишбилармон ва тадбиркорлар ниҳоятда самимий, бизга шарфа келтирувчи фикрлар айтишди...

Париж академияси ректори, Торонто, Нью-Йорк ва Абердин университетлари фахрий аъзоси Массалу хоним: «Бу китобада Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик муаммолари тинчликда оламшумул масалалар куриб чиқилганлигини ўқирса, Хитойдаги «Халқаро маданият» давлат ноширлик корпорацияси бош директори Чжан Гулай: «Ислоҳ Каримовнинг узгартишлар бўйича яратган назарияси ва амалиёти ХХРдаги ислохотларни ривожлантириш учун катта қизиқиш уйғотади...» дея таъкидлайди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг эътироф этишича, «Мухтарам Ислоҳ Каримовнинг котиби Ўзбекистон бутун дунёда тинчликнинг фаол ҳомийси эканлигидан далолат беради».

Телевизор рупарасида утириб, бу эътирофни, оташин сузларни эшитар эканман, яна уша: «Қачон шундай булган — юртимиз шухрати қачон бугунгидек йироқ-йироқларга тарқалган эди?» деган уй хаёлимдан ўтди, кунгил сув ингандай равшан тортиди.

VIII.

Бултур Конституция кунида Президентимиз 1998 йили Оила йили деб эълон қилдилар ва шу билан бизнинг эътиборимизни огриқли масалалардан бери — фарзанд тарбиясига қаратдилар. Зеро, келажак насл турги тарбия оласа, оила мустаҳкам бўлса, ота-она учун бундан ортиқ бахт, мамлакат учун бундан ортиқ қудрат борми?!

Ҳануз эса Олий Мажлис сессиясида Ислоҳ Абдуганиевич деҳқонларимиз турмушидаги қийинчиликлар ҳақида ёниб гапирдилар. Бу қийинчиликларга сабаб бўлаётган иллатларни таҳлил қилиб, беэътибор раҳбарларнинг кузини очиб қўйдилар, қишлоқ ҳужалмида силжи ясайдиган амалий тақлифлар айтдилар. Шунда мен, уруш йиллари, успириллик чоғида далада омоҳ ҳайдаб, бугун уриб усган одам, дил-дилидан қувондим. Ислоҳ Абдуганиевич ҳар гал эътибордан четда қолган қадриятларга, жондан азиз она халқимиз олдидаги фарзандлик бурчи ва уни виждондан уташга диққат-эътиборни қаратганларида беихтиёр ушёр тортасан киши, зиммандаги масъулият тобора ошиб бораётганини ҳиқ этасан. Шунда «Қани энди ҳаммам уш юрт истиқболи учун шундай қуноиб яшасан!» деб уйлайсан.

Ислоҳ Абдуганиевич Аллоҳ ярлаққан инсон. Йўқ, мен у киши олтимиш ёшга тулган кун бу йил Муборак Рамазон ҳайитига тўғри келаятгани учун бундай деъёб-ганим йўқ. Халқимизнинг меҳрини товлатиравтган — у кишининг оталар юртига чексиз муҳаббатни, садоқатни, шунга яраша халқнинг у кишига булган илхос ва ишончидир. Бу муштрақлик — келажак буюк давлатимиз салоҳияти асосидир.

Уша ёруғ кунларга етиш заҳматқаш юртбошимизга ҳам, бизга ҳам — ҳар биримизга насиб этгай!

Тошкент, 1998 йилнинг январи.



Муस्ताқил юрт манзаралари

НАВРЎ БАЙРАМИ ТАРАДУДИ

Республика Вазирлар Маҳамаси раисининг биринчи уринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида Наврўз байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўқатиш ташкилий кўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг еттинчи йиллигида нишонландиган Наврўз айёмини янада фойдалан ва бетакор қилиб ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишлари алақадон бошлаб юборилган. Пойтахт ва барча вилоятларда байрам арафасида амалга оширилувчи зарур булган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари қузнг олиб борилмоқда. Наврўз тантанаси утадиган боғлар ва майдонларни, маҳалла гузарларини ободонлаштириш, кўчалар ва турар жойлар ораластлигини таъмин-

лаш ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, Наврўз байрамига бадий жамоалар, санъаткорлар, аския усталари, кўзичилар, полковлар ҳам қузнг тайёргарлик курмоқдалар. Наврўз байрамининг энг эсда қоладиган асосий тантанаси Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги хиёбонда бўлиб ўтади. Бу хиёбонда Наврўз тантанасининг бош сарҳаси жойлашади. Мамлакатнинг барча вилоятларида истиқомат қилаётган хунарманд усталарнинг энг яхши асарлари кургазмаси намойиш этилади. Муस्ताқиллик майдони, Ўзбекистон Миллий боғи, Алишер Навоий театри майдони, Ҳадра, Халқлар Дустили майдони, Амир Темур хиёбони, Улўбек майдони ва Сайлгоҳда ҳам умумхалқ Наврўз

байрами муносабати билан турли маданий тадбирлар ташкил этилади.

Ташкилий кўмита йиғилишида ана шу тадбирларга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Наврўз тарадуду бўйича қилинган ишлар юзасидан мугасадди ташкилотларнинг ахборотлари тингланди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, «Ўзбекинаво» бирламаси бош директори Анор Назаров, Наврўз байрамининг асосий томошаси бўйича бош режиссёр Рустам Хамидов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирини Хайрулла Жўраев ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг уринбосари Шўхрат Жалилов сузга чиқдилар.

Ташкилий кўмита йиғилишида Президентининг давлат маслаҳатчиси Утир Раҳматов иштирок этди.

Ўзбекистон — Миср

Мисрда нашр этиладиган «Араб муסיқаси» журнали 1997 йил декабр сониде «Сугдиёна» халқ чоғу асоблариде дастаси раҳбарини, Тошкент Давлат консерваторияси доценти Феруза Абдураҳимованинг Коҳирада утган «Араб муסיқаси» фестивалида қатнашган пайтидаги суҳбатини босиб чиқарди. «Сугдиёна» дастаси мазкур йирик муסיқадан анжуманида иштирок этган ягона араб булмаган ҳамма эди. Ўзбекистон ва Миср уртасидаги азалий алоқалар ҳамда икки мамлакат халқларини жиқлаштириб турган дустилик ришталари бу дастани Мисрга тақлиф

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

этишга туртки бўлди. Феруза Абдураҳимова уз суҳбатиде «Сугдиёна» дастасининг тузилиш тарихини; унинг ҳажон бўйлаб қилган гастроллари ва қўлга киритган ютуқлари, халқаро фестивалларда олган совринларини ҳақида суз юротади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ва Миср уртасидаги маданий техникавий ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги борасидеги алоқалар кундан кунга ривожланиб бормоқда. Сунгги йилларда Ўзбекистонда узказилган йирик муסיқа, кино ва театр куриқларида Мисрнинг қузага куриган вакиллари иштирок этиб келмоқдалар. Айни чоғда узбе-

кисгонлик санъат ва маданият намояндалари Мисрдан утган Қоҳира халқаро экспериментал театрлар куриғи, Исмоилияда утган халқ фольклор дасталари фестивали ҳамда «Араб муסיқаси» куриқ-фестивалиларида муваффақиятли қатнашиб қайтидлар.

Узаро ҳамкорлик алоқаларининг узлуқсиз кенгайиши Ўзбекистон ва Миср халқлари ва ҳукуматлари уртасидаги биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга булган иштиққа нақадар юксаклигини, айниқса Ўзбекистон уз мустақиллигига эришгандан кейин бу борода янада янги имкониятлар очилганини курсатади. Икки мамлакат

оммавий ахборот воситалари орасидаги ҳамкорлик ҳам таҳсинга лойиқ. Зеро, Миср Араб республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шуъбасининг Ўзбекистон телевидениесига Миср телевидениесининг фазодаги сунвий йўлдошлари орқали узатиладиган телекурсувларини қабул қиладиган махус табоқсимон антенна ва бошқа зарур асбоб-ускуналарни тақдим этиши натижасида бу курсатувлари узбек телевидениеси орқали қайта курсатилишига эришилди. Узбек телеомошабинларига намойиш этиб келинаётган кунор бадийи ва ҳужжатли Миср филляларига қўшимча ҳолда, элчихонанинг Матбуот шуъбаси раиси Раъфат Ас-

Сабъа Ўзбекистон телевидениесига «Мухаммадун-расуллоҳ» куп қисми телефилмининг навбатдаги фаслини тақдим этди. Утган йил ниҳояларида маданий ҳамкорлик борасида яна бир диққатга лойиқ воқеа бўлиб ўтди. Тошкентдаги жажон тиллари университетиде араб тили ўқитиш маркази очилди. Унда Миср Араб республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси фан ва таълим маркази бошлиғи доктор Оди Шиха университетига табоқсимон антенна, видеомагнитфон ва телевидение шохобчасини тақдим этди. Шу кунги университет кутубхонасига бир қанча китоб ва фойдала ўқув қуланмалари ҳам топирилди. Бу тантаналарда Мисрнинг Ўзбекистондаги факулдада ва муктор элчиси жаноб Мамдуҳ Шавқий иштирок этди ва нутқ сузлади.

# «НОМА ЎНГ ҚЎЛДИН ЮБОРГАЙ...»

Машрабшунослик тарихидан хабар бор киши куп ҳолларда шоирнинг ҳаёти ва ижоди тортишувларга, нотўғри талкиларга қоришиб кетганини билади. Ана шундай ҳолатлардан бири Машрабнинг «дахрий» деб курсатилганидир.

Маълумки, шуролар даврида айрим адабиётшунослар Машрабни фақат руҳонийларга эмас, балки диннинг узига ҳам қарши «атеист» шоир сифатида курсатишга уриндилар. Кейинги йилларда бундай қараш аста-секин узгарди, шу мазмунда бир қанча илмий мақолалар майдонга келди.

Машрабнинг энг одил оқловчилари — унинг асарларидир. Шоир девонидида шундай газаллар, байтлар борки, уларда Машраб фақат авлиё шоир сифатида эмас, Қуръони карим билимдонни ва шариғатга тула амал қилувчи комил мусулмон сифатида гавдаланади.

Масалан: **Сад ҳазорон илм ўқуб мен бир алифга лойман, Билмасам тафсири қуръондин, нечүк айлай сухан.**

Юз минглаб илмларни ўқиб-урганган шоир битта алифнинг олдида лол. Шундай экан, бу ҳарфда сир бор. Билмаски, араб алифбосидаги биринчи ҳарф — «алиф» бир сонини аңлатади. Машраб «алифнинг» бирлигида Аллоҳнинг ягоналигини кўрди.

Киши ирфоний билмларни эғаллагани сайин Тангрининг оламларини, сифатларини кашф этиб боради. Шу билан бирга Аллоҳ сифатлари ва оламнинг ақлга сигмас даражада бехудудлигини ҳам тушуна бошлайди. Лирик қаҳрамон мана шу ҳолатни тушунгани учун ўз минглаб билмларини урганганига қарамай, «алифга» — Тангри таолони тула тушуниб етишда ҳорасиз, лол.

**Билмасам тафсири қуръондин нечүк айлай сухан...** Модомки, Қуръони карим тафсири билмас эканман, у ҳақда нима деб гапирай, дейди шоир. Агар мисра шу мазмундагина тушунилас, бизнингча, бу хато бўлади.

Маълумки, тарикат солиқлари шариат босқинчи муваффақият билан босиб ўтгангина тарикат босқинчига қадам қўйганлар. Энди уз-узидан ойдинлашадими, шариат босқинчини босиб ўтган суфийнинг Қуръони карим тафсири «билмасам» дейиши кишини таажублантиради. Шоир мисрасидаги камтаринлиқни ҳис этамиз. Аммо бу ҳам масаланинг ечимис эмас. Мисрада Қуръоннинг илоҳийлиги эътироф этилаётган. Маълумки, унда яратилшадан охиригача булган барча илмлар жамул-жам. Қолаверса, муқаддас китобдаги билим ва ҳақиқатлар куп ҳолларда очик-ойдин эмас, балки ишоратлар воситасида ифодаланган.

Шунинг учун ҳам Қуръони каримни бир кишининг тафсир этиши, яъни тула шарҳлаши мушкул. Бизнингча, Машраб камтаринлик баробарида мана шу ҳақиқатни ҳам мисрага сингдирган.

Шоир уз даврининг фарзанди сифатида Қуръонни ёд

билган. Бу уз вақтида ижодга таъсир ўтказганлиги шубҳасиз. Унинг девонини арабчага асрашда шундай байтларга дуч келамизки, уларга Қуръони карим оятларининг мазмуни чуқур сингдирилган:

**Нома ўнг қўлдин юборгай Машраби шўридага, Аввалу охири қилган вақти махшарда савол...**

Байтда қиёмат кун ҳақида сузлаганки, буни фақат оятлар қумагидагина тушуниш мумкин. Қуръонда охират кун ҳақида шундай хабар берилган: «Ер /қаттиқ/ ларзага келган, тоғлар титилиб, чанг-тузонга айланган ва сизлар уч синф тоифа бўлиб қолган чоғда /қиёмат кофирларни дунёдан дучор этиш билан /паст қилувчи/, муминларни эса жаннатга киритиш билан /баланд қилувчидир./ «Воқеа» сураси, 3-7-оятлар/.

Шу суратда охират бор бўйи билан тасвирланган, бандаларнинг ҳаёти дунёда қилиб ўтган амалларига қараб тоифаларга бўлиниши ва шу тоифаларнинг топажак оқибатлари ҳақидаги воқеалар чизилган: «Бас, /у уч тоифадан биринчиси/ унг томон эғаларидир. Унг томон эғалари бўлмади не саодатдур! /Иккинчи тоифа/ шум-чап томон эғаларидир. Шум-чап томон эғалари /булмоқ/ бахтсизликдур! /Учинчи тоифа бўлиш барча яхши амалларга/ пешқадам бўлувчи зотлар/ жаннат неъматларига эришишда ҳам /пешқадам бўлувчи зотлардир! Ана ушалар ноз-неъмат боғлариди /Оллоҳ таолога/ яқин қилингувчилардир»/ 8-12-оятлар/.

«Алҳаққа» сурасида бу ҳол янада ойдинроқ ёритиб берилган: «Бас, энди уз китобинома аъмоли ўнг қўлдин берилган қишга келсак бас, у: «Мана менинг китобимни ўқинглар. Дарҳақиқат мен ҳисоб-китобга/яъни, охиратдаги ажр-муқофотга/ рубару бўлишимни билган эдим», дер»/ 19-20-оятлар/.

Демак, охират қўмига ишониб, шунга яраша амаллар қилиб ўтган солиҳ бандаларнинг унг қўлига дунёда қилиб ўтган банд аъмолари булган кимсаларнинг номлари эса чап қўлига берилади. Бу нома эғаларининг қандай оқибат топишларини оятларда кўрдик. Энди бевосита байтга қайтсак. Маълумки, Машраб етук суфий, авлиё ва солиҳ банд сифатида аъмоллари битилган номанинг унг қўлига берилишини истаиди ва бунга қайсидир маънода ишонади ҳам. Аммо унинг қалби шўрида, яъни қалби ҳаяжон, изтироблар билан лиммо-лим. Унинг изтиробга тушиши гуноҳкорлиги, кофирлигидан эмас. Аксинча, солиҳ банд эканлигидандир. Чунки ҳақиқий банданига эҳтиш билмаган нарс ҳақида комил ишонч билан гапирмайди, қолаверса, ҳар бир киши қиёмат кундада узининг қандай оқибат топишини то номани олгунча билмас. Шунинг учун шоир: қалби изтироблар билан, ҳаяжонлар билан тулган Машрабга

## Тадқиқот, ахборот

бугин 84 мсек, чузиқ бугин 132 мсек, ўта чузиқ бугин 184 мсек давомида айтади.

Поэзияда ўта чузиқ бугин уч шаклда қуринади: а) мисра (чақида; б) мисра охирида; в) рафидан олдин.

**Жонимга юз дарду алам келтурдунг, Кўнглума юз ранжу ситам келтурдунг.**

## АРУЗГА ДОИР БИР ЧАЛКАШЛИК

Бобурнинг «Мухтасар» асаридан олинган бу байтда «дунг» бугини ўта чузиқ бўлиб, мисра охирида келган. Ўта чузиқ бугин, аруз илмида вазн номи келтирилганда, гоҳ «мақсур» сузи қўлиб ёзилади. Масалан, рамали мусаммани маҳзүф (яъни 8 рўқли рамали маҳзүф) вазни парадигмаси;

**ФАилАтун, ФАилАтун, ФАилАтун, ФАилун** вазнида охириги бугин (=лун) чузиқ бўлса, ФАилАтун, ФАилАтун, ФАилАтун, ФАилАн вазнида охириги бугин (=лАн) ўта чузиқдир. Навоий «ФАУлун» билан «маФАИЛ»ни фарқ қилган, чунки «ФАУлун»нинг охириги бугини чузиқ, «маФАИЛ»нинг охириги бугини (Ил) ўта чузиқдир. Навоий фикрича, бу бугинда бир сукун ортади (Алишер Навоий, «Меъзоул-авзон», 1949). Рус графикаси асосидаги ҳозирги ўзбек ёзувида қисқа ва чузиқ унли товушлар фарқ қилмайди, шу сабабли, чузиқ «а», «у», «и»ни бош ҳарф билан ёзилди. Бу ҳол ҳозирги арузшуносликда аънанадир. Аруздаги бу ҳолатни машҳур рус туркшуноси А.Н. Шчербак, филология фанлари докторлари Ф. Абдуллаев, Н.

Абдурауф Фитратнинг «Аруз ҳақида» (1936) асарини 1997 йили «Ўқитувчи» нашриёти босмадан чиқарди. Китобни Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим маркази нашрга тавсия этган. Муаллиф асаридида ўта чузиқ бугинни ўзбек арузидан чиқариб ташлаган эди. Вақт ўтиши билан бу ҳаракат араб, форс-тожик ва ўзбек (туркий) тарихий арузшунослигига зид экани (Тарозий, Навоий, Бобурнинг арузга оид асарлари бунга қар қилади) аён бўлди. Бундай ҳаракатни тарихий арузшуносликка эмас, балки замонавий арузшуносликдаги (Иззат Султон, Содиқ Мирзаев, А. Ҳожиаҳмедов ва бошқаларнинг) мумтоз арузшуносликка бағишланган ишлари ҳам инкор қилди.

Фитрат даврида туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили ҳали экспериментал фонетика услубияти (методлари) билан текширилмаган эди. Ҳозирда асосан филология фанлари доктори А.Маҳмудов, филология фанлари номзоди С. Отамирзаева ўзбек тилининг фонетикасини экспериментал фонетика методлари билан текширган. Аруз ҳам экспериментал фонетика методи билан тадқиқ қилинган («Ўзбек тили ва адабиёти» журналы, 1993, 4-сон). Бу манбаларда унли ва ундош товушлар ҳамда бугинларнинг чузиқлигига фарқ қилиши курсатилган. Ёпиқ бугиннинг очик бугинга нисбатан чузиқлиги унда чузиқ унли бўлиши ёки ундош товушнинг биттадан куп эканлиги билан ҳам боғлиқ. Очик бугин қисқа ва чузиқ бугинга юради. Аммо у мисра охирида доимо чузиқдир. Ёпиқ бугин чузиқ ё ўта чузиқ бугинга ўтади. Ўта чузиқ бугин купинча бир қисқа, бир чузиқ бугин демакдир. Бу ҳолатлар арузнинг схемаларига ҳам боғлиқ. Сабаб шундаки, чузиқ бугин билан қисқа бугин мсекунд (Фанда ҳар бир бугинни талаффуз этишга кетган вақт миллисекунд асосида ҳисобга олинади. Миллисекунднинг қисқартириб «мсек» тарзида ёзилади.) жиҳатидан катта фарқ қилмайди. Шунга яқин ҳолатни чузиқ ва ўта чузиқ бугинларни айтишга кетган мсекундда ҳам қуриш мумкин. Шу билан бирга, бир мсекунднинг бир секунднинг мингдан бири эканлиги ҳам буни курсатиб туради. Аруз экспериментиди курсатилишича, ўртача қисқа

Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» асаридида икки қаҳрамон: Кунтуғди билан Ойтулди орасидаги сўхбатлардан бирда сузламоқ афзалми ёки жим турмоқ, деган муаммо уртага қўйилади. Унга турлича ёндашулар пайдо бўлади. Жумладан, бу энг аввало кимнинг ва қандай сузлашишга боғлиқлиги, хусусан, доно ва нодон кишиларнинг узига қараб жавоб талаб қилиниши айтади.

Сўхбатда кишилар икки гуруҳга ажратилади: нодон ва соқовлар. Соқов одам табиятан сузлай олмайди, нодон эса тилини тийишининг уйдасидан чиқмайди. Аммо донолар ҳар доим гапирishi керак. Чунки дононинг сузлари ер учун сув кабиридир. Сув оқиб борса ердан анвоий неъматлар унади.

Бугина эмас, инсон кўнглидан кечаватган уй-фикрлар, айниқса, эзгулик тибди орқали рубга чиқарилмаса, суз воситасида бошқаларга etkазилмаса у денгизнинг тубидаги дурру жовоҳирга ушаб қолади. Агар денгиз тубидан чиқарилмаса, унинг оддий олий тошидан фарқи қолмайди. Олиб чиқилса, у беклар бошига тож бўлиши мумкин.

Биз бу гапларни бежиз эсламаймиш. Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти «Машриқзамани-ҳикмат бустони» номи китобни босмадан чиқарди. Бу том маънодаги хикматлар гулдастасидир. Уни профессор Ҳамиджон Ҳомидий ва доцент

## ТАФАККУР ГАВҲАРЛАРИ

Гаввослик осон иш эмас. Аммо суз дурларини топиш, саралаш, айниқса, уларни эзүк китобхон назарига манзур қилиш ундан-да қийинроқдир. Китоб кенг маънодаги Шарқ алломалари хикматларини жамлаган. Унда ўзбек, форс-тожик ва араб тилида ижод қилган аллома ва адибларнинг асарларидаги хикматлар, уғитлар териб олинган. Деврли икки минг йиллик тарих силсиласидаги бу хикматларни уқиб, саралаш осон келмаган, албатта. Эро, Хожа Самандар Термизий таъкидлагандай: «Азизим, қийинликка чидаш мард кишиларнинг иши. Шеринг хунари кураш. Мард кишиларнинг қўли қийинчиликка теғмас, заиф кишилар фароғат бустонидан гул теролмайдилар. Чўянчи, айтадилар:

**Дийрингда кеч қим тоғмас фароғат,**

**Фақат ўзинг учун изласанг роҳат.** Тузувчилар амалда узлари учун роҳат изламаган, шунинг учун ҳам кўпчилик бу иш оқибатида фароғат топгусидир. Улар фақат тўғловчилик қилиш

## «АНГЛАШ ҲИКМАТИ»

Инсон — сирли хилқат. Унинг табиати, феъл-атворини билиш, у ҳақда мавжуд ҳақиқатларни тушуниш ва имкон қадар тушунтириб беришга уриниш—гоят мураккаб жараён. Инсоннинг руҳий-маънавий оламига алоқадор хилма-хил жумбоқлар билим аҳли диққатини узига жалб этиб келган.

Утган йили «Қатортол-Қамолот» нашриёти томонидан тайёрланиб, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернинда босмадан чиқарилган «Англаш ҳикмати» рисоласида ана шу қадим ва ҳаминча долзарб мавзунинг инсон саломатлиги билан боғлиқ қирралари хусусида мулоҳаза юритилади. Сўхбат-мунозара шаклида ёзилган ушбу нашр муаллифлари табибят ва руҳиятшунослик масалалари бўйича бир қанча илмий мақолалари билан танилган мутахассислар Аҳрор Ерқулов ва Ибодулло Холлиев. Муаллифлар таъкидлашганидек, ушбу рисола инсонга узлигини англаши, ҳаёт тарзини туғри ташкил этиши, саломатлигини сақлаш ва тиклашига кумак беради. Китобда руҳий соғломлик ҳақида са-

**Боқижон ТЎХЛИЕВ,** филология фанлари доктори, профессор

номани унг қўлдан бергай», деб умид қилади.

Байт мазмуни: «Аввалдан охиригача булган барча нарсани махшарда — тулланиши жойида туллаб, савол /ҳисоб-китоб/ қилганда Машраби шўридага — қалби изтиробли ва ҳаяжонли Машрабга номани унг қўлданбергай /деб умид қиламан/».

Машраб моддий дунё, ошиқлик ёки кофирлик ҳақида гапирганда ҳам Қуръон оятларидан келиб чиққан. Бу оҳангдаги мисраларни шоир девонидан куплаб топиш мумкин.

**Бир масалдур: Дунёнинг осойиши кофиргамиш, Бу жаҳонни ошиқиға чоҳи зиндон айлаган...**

Дунёнинг ўзи бир масалга қура, яхшилар доимо машаққатларга ҳамроҳ. Бунинг аксинча ёмонлар осойишта. Пайғамбаримиз айтувдирларки: «Зеро, бу дунё иймонлилар жаннати эмасдир, балки дунёга кунгил қўйганлар жаннатидир. Узларининг барча химматларини бу дунёга бонганлар ҳақида ушбу хабар машҳур бўлиб, унда айтилишича: «Бу дунё муминларнинг дузахи ва қуфр йулидагиларнинг жаннатидир.» Бу ҳақда Қуръони каримда ҳам шундай айтилган: «Қуфр йўлини тутган кимсалар учун бу ҳаётий дунё чиройли қилинди. Улар иймон эғаларининг устиларидан қуладилар. Холбуки, қиёмат кундада тақводор зотлар улардан баланддир. Оллоҳ ўзи истаган кишиларга ҳисобсиз риёқ беради.» /«Бақара» сураси, 212-оят/.

Дунё бир масал экан, мисрадаги «Кофирларнинг осойиши»ни, «Ошиқиға чоҳи зиндон» эканлигини қандай тушуниш керак? Қуфр йўлини тутганлар бадавлат бўлиб, осойишта ҳаёт кечиришни истайдилар ва бунга эришадилар ҳам. Улар осойишталигининг яна бир сабаби охиригача кунига ишонмасликларидирки, ул кундаги даҳшатларни хаёлига келтирмайдилар. Шу сабабли улар қиёмат кундаги қурқинч ва хавотирдан холи. Шу боис улар қалби вақтинча бўлса-да, осойишта. Бунинг аксинча, иймонли кишилар қиёмат кунига ишонишади ва уша кунда фойда берадиган амалларни қилишга тиришади. Шу билан бирга чин мусулмонгина у кунда ёмон оқибат топиб қолишдан доимо хавотирда бўлади.

Байт мазмуни: «Дунёнинг ўзи бир масалки, унда охиригача кунига ишонмаганлар, ул кун қурувидан холи, шунинг учун осойишта. Аммо бу жаҳон ошиқларга зиндон. Чунки улар қиёмат кунига гоҳ умид, гоҳ қурув билан боқиб, ҳаётий дунёга илтифот қилмайдилар.»

Уллас, шоир девонидида тасаввуфнома газаллар ислоҳий гоғлар билан суғорилган, аникроги, Машраб тасаввуфи бевосита Қуръон маърифати билан воғга етгандир. Машраб ижодини ана шу хилма-хилликда урганши, бизнингча, максатда мувофиқ бўлиб, шоир ижодини бор бўйи билан намойён этади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг аспиранти

Маллаев, филология фанлари номзоди, туркшунос Қ. Каримов ҳам тасдиқлайди.

**Ул санамким кўзларига шевадур жаллодлик, Бу ҳазинга кўз учидин бир етурмас шодлик.** (Қомил ХОРАЗМИЙ, «Мурғи руҳим»)

Бу шеърда «шодлик» сузи асли икки бугин, аммо уч бугин вазифасини бажаряпти. Чунки «о» товуши энг чузиқ унли ҳисобланади, бунинг устига «шод» бугинида икки ундош товуш мавжуд, ваҳоланки, бугин ундош товушсиз ҳам ясалди, масалан, «—у» бугини. Бу байтда «шод» бугини бир чузиқ ва бир қисқа бугин урнига ўтган. Бундай ҳолини биринчи мисрадаги «шод» бугинида ҳам кураимиз.

Газаллар вазн жиҳатидан икки хил усулда ёзилади. Биринчи газалнинг ҳар бир мисраси грамматик бугин сони жиҳатидан тенг бўлади, бошқасида газалдаги мисралар бугин сони жиҳатидан тенг бўлмайди. Қомил Хоразмиийнинг «Мурғи руҳим» шеърда мисралар грамматик бугин сони жиҳатидан тенг эмас. Шунинг учун ҳам арузни бугинларнинг чузиқ ва қисқалигига (микдорига) асосланган шеър тузилиши дейилади. Рус тилида бунинг «коллективное стихосложение», деб айтади. «Микдор» сузи чузиқлик маъносини аңлатади. Бу ҳол арузнинг узига хос ритм бирлиги борлигини курсатади. Узига хос ритм бирлиги булмаган шеър тузилиши «шеър тизими» (система) бўла олмайди. Аруздан ўта чузиқ бугинни чиқариб ташлаш арузнинг узига хос томонига (спецификасига) даҳл қилишдир.

Фитрат асарини нашрга тайёрлашда муаллифининг аруздаги ўта чузиқ бугини аруздан чиқариб ташлагани айтилган, ношир бу масалага уз муносабатини билдирмаган. Натихада мазкур усулда тарихий ва замонавий арузшуносликка зид иш қилинган.

Фитратнинг асари қисқартириб босилган. Собик совет давридаги бундай яроқсиз усулдан воз кечиш вақти етмадимикан? Манбаи қисқартириб таржима қилиш ёки нашр этиш асар муаллифига ҳурматсизликдир. Ноширга бундай ҳуқуқ берилмаган. Афсуски, бу нашр ҳозирги арузшуносларнинг эҳтиёжини қондира олмайди. Чунки тарихий арузшуносликни чалқаштиради.

**Шоира МУҲАММАДИЕВА,** ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг аспиранти

## Дошлий халроҳ

қушилар», «Яхшилик, ёмонлик, тўғрилиқ ва эзгулик», «Адолат, ҳақиқат, инсоф, хато, гумон, шожалоқлик, уйлаб иш қилиш ҳақида»ги мавзулар бор. Бирок мавзуларга гуруҳлаштириш тартиби тўғрисида ҳеч бир изох йўқ. Шунга қура, халқ, Ватан, сафар, саеҳат, ёшлик, йигитлик, кексалик сингари хилма-хил мавзуларнинг бир ерда берилиши унчалик урин-ли қурирмайди. Аслида китобнинг дастлабки саҳифалари халқ, Ватан ҳақидаги хикматлар билан очилганда янада ярашқили бўлади.

Китоб охирида муаллиф ва манбалар ҳақидаги маълумот берилгани ҳам айтиш мумкин бўлган. Эро, китобдан кенг халқ оммаси ҳам, айниқса, ўқитувчи ва талабалар ҳам фойдаланишади. Бу маълумотлар уларнинг амалий ишларида яқиндан ёрдам беради. Илова қилинган лўғат ҳам амалий максатларни, кўзда тутаяди. «Ҳадиси» шарифлари: «Авалло олим бў!» Лоқал таълим олувчи ёки тингловчи, илму уламолар сеувучи бўлгин», дейилган. Ушбу китоб шу йўлни танилган юртдошларимизнинг қўлидан тушиб, мунававэр манзилларга элтишига ишонамиз.

**Боқижон ТЎХЛИЕВ,** филология фанлари доктори, профессор

# ЭНДИ НАВБАТ ШОИРЛАРГА!...

Токи етмишинчи йилларгача шеърхонлар ҳозирги ўзбек шеърини намуналарини танлаб ўқир ва унинг яхши-ёмон эканлиги ҳақида ҳукм оҳангда фикр юритар эдилар. Етмишинчи йилларда эса, ўзбек шеърини шундай шеърий йўл пайдо бўлдими, бу йўлда ёзилган шеърларни ўқувчи танламай, балки шеър ўқувчини танлаб, унинг поэтик дид ва савиясини белгилайдиган бўлди. Метафора, ижтимоий дардини ўта субъективлаштириш, борлиқ воқеа-ҳодисаларига ўта мустақил ва ўзига хос назар, сузининг бир эмас, бир неча маъно аңлати олиғч имкониятларини астойдил ишлашга интилиш бу янги шеърининг алоҳида хусусиятларидир. Шоир Фахриёр шеъринингизда ана шу янги йўлнинг энг ёш йўловчиларидан бири. Унинг «Дардининг шакли» тўпламига кирган шеърларини бир пайёла сувни ичган каби осон ўқиб бўлмайди, ўқувчи шеърлар замиридаги безовта юрак зарбларини аниқ ва тиниқ эшитиши учун ҳар бир мисрани икки қайта ўқишга мажбур. Йўқ! Бу ҳам камлик қилади. Балки ўқувчи учун ўқувчилик тажрибаси зарур. У етмишинчи йилларда пайдо бўлган янги шеърий йўналишининг паст-баландини яхши билмоғи лозим. Масалан, одатдаги баёний шеърларга ўрганиб қолган шеърхоннинг Фахриёр шеърларига тиши ўтмаслиги аниқ. Мен ўйлайманки, ўқувчи сиз ёзган шеърни тушунолмай, боши қотса, бу — сизнинг ютугингиз. Шоир билан шеърхон орасидаги муносабат топишмоқ айтиш йўлинига ўхшайди. Сиз айтган топишмоқнинг шеринингиз тополмаса, сиз ундан ақлан устун ҳисобланасиз. Худди шу каби шеърхон ҳам сиз ёзган шеърни тушунолмай қийналас. Демак, сиз ақлий ва руҳий жиҳатдан ўқувчидан афзалсиз.

Фахриёрнинг китоби: **Ҳаёт, сен шаробсан, майсан бир сўзим, Йигирма тўрт йилки, тўймадим, эб, —**

сатрлари билан бошланади. Сермаъно мисра. У ўқувчини мулоҳаза юритишга мажбурлайди. Севгини денгиз сувига қиёс этадилар. Сув аслида жисмоний ташналикни қондириши лозим. Лекин денгиз сувидида шундай хусусият борки, у ичганингиз сайин ташналигингизни ошираверади. Ҳаёт шоир учун йигирма тўрт йилдан буён ичиб келинаётган шароб. Ҳаётни шаробга ўхшатиш аънавий образ. Лекин аънавий ўхшатиш ёрдамида шоир бироникига ўхшамаган маънони ифода этиши керак. Унинг лирик қаҳрамони йигирма тўрт йил давомида ҳаёт шаробини ичиб, қўнгли бир оз қониш ўрнига, бильакс, ташналиги йигирма тўрт баравар ошиб кетган. Бу — Фахриёрнинг топишмаси! Бу топишма менинг миънада шундай ўйлар пайдо этди: «Сувнинг ичиди эсаётган қамиш сувсизликдан қурий бошлади». Ёки Одам эшаксиз қайиқда турибди. Қайиқ тўлалигича дарё измида. Одам қайиқни ярим қарич ҳам ўзи истаган томонга йўналтира олмайди. Лекин одамнинг реал имкон ва иложга бўйинсунмайдиган қўнгли бор. Қўнгли ҳам қайиқни ўз орзу-истаги томон буришни истаиди. Бунинг сира иложи йўқ. Одам — икки ўт орасида қолган бахтсиз мавжудот. Унинг, биринчидан, объектив реаллик саналган дарёга гапи ўтмайди, иккинчидан эса, қўнгли орзу-истакларини жиловларга ҳам қодир эмас. Яъни қалбини тушовлаб бўлмайди. Шоир айтмоқчи, «қўнгли тилаган муродга» етиб бўлмайди, «ё борча муродларни тарк» этиб, бошни олиб «бир сорига» кетиш ундан ҳам қийин.

Фахриёрнинг шеърларини «бир кўтаришда» ўқиб бўлмайди. Унинг мисралари ўқувчи қўнглида чуқур-чуқур мулоҳазалар пайдо этиб, ўқувчини ҳам шоир бўлишга ундайди. Мен ўйлайманки, биргина шеър тубидаги маънони тушуниб етиш, бу — эстетик завқ дегани эмас. Балки ўқиганимиз шеър қўнглимизда беркинб ётган маънони уйғота олиши лозим. Яна ҳам аникроги шуки, ўқиган шеъримиз қўнглимизда уйғонадиган шеър учун бир иктибос бўлиши керак.

**Тошлар фақат шафқат олдида ҳимоясиздир, —**

дейди Фахриёр бир шеърда. Шафқатсизлик тимсоли саналган тош ҳам шафқатга муҳтож бўладими? Ер узидида биринчи қотиллик тош ёрдамида амалга оширилган. Бузуқликда айбланган гўзал аёлларни ҳам тош билан уриб ўлдиришган. Тош — ғазаб отига минган жоҳил оломоннинг ҳар доимги тайёр қуроли. Мевали дарархта ҳам тош отилади. Бировга etkазган озоридан кейинчилик афсусланмайдиган одамни баргитош, деймиз. Лекин шоир айтаётирки, тош меҳрга муҳтож, у шафқат олдида ҳимоясиздир. Демак, фоҳишалиқда айбланган гўзал аёлнинг нозик баданини ёрган тош бир пайлар тош эмас, қаноти синган, балки узиб, ҳидланиб, кейин катта кўчага ташлаб кетилган гул ёки қаноти синган қуш бўлган. Лекин ҳеч қим уларга шафқат қўрматмаган, аксинча, ҳар ўткинчи уларни тепкилаб ўтган ва оқибатда улар одамларнинг дилига озор etkазувчи тошга айланган. «Одамни тушуниш керак», дейдику Усмон Азим. Одамнинг табиати метамаорфозга мойил. Озгина меҳрсизлигимиз туйғайли ўстимиз душманга айлиниб қолиши мумкин. Қурбақа севгининг сеҳри билан маликага айлиниб қолди, деб ёзилади эртак китобларда.

Фахриёрнинг шеърларида кино оҳанги устивор. У оммавий фикрга дуч келган пайт мулоҳазаларида кино оҳанги буй курсатади. Унинг поэтик тафаккурида нарсалар моҳиятига кутилмаган томондан кириб борарш принципи кучли. «Дарё, сени қандоқ чўмилтирамиз, қайда ювинарсан, булганчоқ дарё», деб ёзади у. Дарвоқе, ахир дарё аслида ҳамма нарсанинг кирини кеткизади, тозалайди, лекин шоир қизиқ гапни айтаяпти, яъни дарёнинг ўзи ҳам ювинишга муҳтож ва ў

Йўлдош СУЛАЙМОН

СЕВГИЛИМ, АЙТ, ҚАЧОН БЎЛАСАН СЕВГИ?

НИГОХИНГ ЎТИДА

Ширин хаёл билан кўнгил тўларми, Олисдаги меҳр ё унитиларми? Интизор-интизор кўтишларимни, Ҳижрон азобини ютишларимни — Айтмасан ҳам ўзинг билиб турибсан, Йўқламасдан дилни тилиб турибсан. Суянганим сени ғариб кўнглимдир, Оташга чидашда таъриф кўнглимдир. Нигоҳинг ўтида кул бўлиб ичим, Кўтишга етмасдан қолмасин кучим. Биладан мен зору, сен зор эмассан, Қаерни кидирсам ҳеч бор эмассан. Юракни болишга босиб йиғлайман, Орзуимни дорга осиб йиғлайман. Тун ўғирлаб кетган ширин уйкумни, Кўзларимдан олиб ташлагин кумни! Ўзимни баҳшида этганман сенга, Севгилим, айт, қачон бўласан севги!?

ЖАСОРАТИНГ

Кувончми бу ёки аламми, Кўзимдаги не ўзи — намми? Не бўлса-да эгилган менман, Ўс гўзалдан енгилган менман! Ушаб кетар худди эртакка, Айлантирдинг мени тентакка!

Аёллинг мени кул этди, Жасоратинг сени гул этди.

МАРЯМЖОН

Марям Сатторовога Менда ўчинг борми ўзи Марямжон, Кимда бўлар бунча тўзим, Марямжон. Тўлиб турган дилни буткул тоширдинг, Ўз дардингни гўё менга оширдинг. Қўшигинг бунча ҳам оромбахш, мунгли, Шундай бир ёқимли эзилди кўнглим. Бу дунё қурилган ўзи бир камга, Кўзларим ҳам тўлиб боряпти намга. Момом макомига жон қўшибсан, жон, Қайтди йўқотганим — ўша ҳаяжон. Оҳанглр юрагинг тубидан оқиб, Ошиқ-мошиқларга ич-ичдан ёқиб — Чуқур нафас олиб, тиклар қаддини, Биласан эл кўнглин олиш ҳаддини! Қўшиқларинг бугун жон-жонимга жон, Менда ўчинг борми ўзи, Марямжон!

ЧОРЛА

(Хориждаги учрашув) Отамларни қувиб зуғму соддалик, Бошимизга тушган ватангадолик. Уйимизда гоҳ шаҳар, гоҳ чўлу малик, Раводир на салом ва на бир алик.



Хорижда бутунлай қолиб яшаманг, Оши миннатлидир, асло ошаманг. О, хориж, ҳар одимда эзди наъманг, Нигоҳингдан отилиб туради таъманг, Келгинди маъносин таъкидлар шаъманг. Майлига ҳар қанча саволга ўранг, Емириб ташлади юракдаги занг. Элдош демас бирга улғайган жўранг, Омонат яшашнинг иллари таранг. Мусофирнинг қаттиқ бўлсада жони,


Дунёни ёндирар дилим туғёни! Фаргона деганда эрийди қорлар, Чорла, эй, Фарғона, фақат сен чорла. Номингнинг ўзидан кўзларим порлар, Васлингга интилиб, дилимда зорлар!

ИЛТИЖО

Ҳали бу ҳаётга тўйганим йўқ-ку, Лаззатини ичдан тўйганим йўқ-ку, Суйганимни ёниб суйганим йўқ-ку, Ҳали Мажнун мисол куйганим йўқ-ку, Чакноқ кўзим нега тиняпти гоҳ-гоҳ, Холсизлигим ахир нимадан огоҳ?! Дилда такрорлайман минг бир отингни, Озгина олмай тур омонатингни!

Ота-онам кўнгли мендан тўлганми, Нимаики қилсам ё кам бўлганми? Бирор фелъ-атворим малҳам бўлганми, Мени деб бошлари ё ҳам бўлганми? Шу ҳақда ўйлашга вақт бер, ё худо — Мени еб тўярми бу Ер, ё худо! — Олам китобининг бирор варагинг Очсам бўлармиди кўнглим чароғинг!

Укаларим не дер акалимга, Оқибатга қандай ҳақамлигимга? Сувдай сингиб кетар бўлдимми кумга,



Ёки бирор нафим тегдими, кимга? Асли ўзи борми олган раҳматим, Тегдимкин ёки зиён-заҳматим?! Бўлодимми ёрнинг ошиқ Тохирини, Енгил қиллодимми элнинг оғирини?!

Қизу ўғилларим мендан розими, «Не қолдирдинг» деган Ҳақ овозими?! Ваҳмаими бу ё ҳаёт нозими — Ушалмай қолмасин орзу армоним, Ишқимга бўйлашиб турсин дармоним. Юрагимда ёлғиз ўзинг сарбоним — Дилда такрорлайман минг бир отингни, Озгина олмай тур омонатингни!

Эгасин топмаган маҳзун садоман, Тупроққа тўкилиб кетган бодаман, Сўнгги дамда меҳрга зор-зор гадоман. Вужудимни эзар сонсиз надомад — Бирор из қолдирмай наҳот, адоман! Йўлдош такрор айтар ёниб отингни, Ё худо, олмай тур омонатингни!

«Ҳеч ким йўқ, ҳамма кетган» Номаълум муаллифдан

ТУПРОҚ

Кўзимни очсам, дунё чир айланаб етарди, аллақандай «так-так» деган сас эшитилар, атроф сокин бўлганидан, бу сас бора-бора юрагимда акс-садо берарди. Атроф ажиб бир ҳидга тулган, ҳиднинг қуюқлигидан аранг нафас олардим, бошим айланарди. Хужра тирқишидан куёш нуллари тушар — ҳид ёғду кесимларда чанг зарралари билан уйнашар ва беихтиёр «жаранг-жаранг» деган сас пайдо бўларди. Уй ичи шилдираб тўкилаётган тангачалар сасига менгзамиш илоҳий сасга тула эди. Бу шундай ажиб ҳолат эдики, гўё хужраим аста силжиб, жаннат дарвозаларига яқинлашарди.

Хужра ичи бундан юз йил олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, ҳамма нарса тахт, ҳамма нарса жойида, девор, қурт еган устун, то шифтга қадар тахланган ёғоч қарсон. Тахланнинг уртароғида энам болалигимда ювинтирган қўшқулоқли қарсон ажралиб турарди. Ёғоч сури, унинг остидан сизиб девор тағида исиз кетган ифлос сув... излари. Оқ ма-то урамлари, кумгон... Супа канорида, ҳозир ечилгандай — чириб, йиртилиб кетган, чанг босган қовушим. Юз йил олдин қандай турган бўлса, шундай... Так-так... так-так... Паҳса деворда одам юмругининг, панжасининг излари, йиллар давомида деворга ёпишиб турган-у, ақинда айрилиб тушган. Ёғоч қарсонлар менга, бир улғу қўтловни, энамнинг мунгли аллаларини эслатади. Энам мени койир ва алла айта ювинтирар эди. Баъзан у алласини бошлаши билан йиғлаб юборарди. Унинг аллесида бир олам қайғу, ҳасрат ва қўқун шарапалари бор эди, назаримда. Энам кўпикли сузда ювинтирар, қарсон-қарсон сувларни оқизаркан, кирим сира адо бўлмасди.

Энам мени ҳар гал ювинтираркан, кўзойнагини синдириб қўярди, оҳ, отанг улдирадди энди, дея, ёш болаларча ухшосиз ҳаракат билан, синган ойналарни терар, бир жойга тулар, силаса асл ҳолига келадигандай сертомир қўллари билан шишаларни қисар, баъзан ёғоч картга қўлидан қон оқарди. Ҳеч нарса қиқара билмаслигини билгандан сўнг, йиғламоқдан бери бўлиб, қарсонни тўкишга кўтариб кетарди.

Мен ҳар сафар кўзойнақнинг синган шишаларини териб, деразанинг куёш нури кўп тушадиган кўзига елимлардим. Бир куни энамни севинтирмак учун, пардани шигга суриб, чакирдим. Энам ажабланган куйи, синиқ шишалардан эшикка боқаркан, баттар хомушланди.

— Эна, қаранг-чи зур эканми, — дедим ҳаяжонлиқан.

— Бутун умр олисларни қўришни, у юртларда кимлар яшашини билишни истадим. Аммо шундай ири кўзойнақ билан-да, ҳеч нарса ни кўрмадим.

Энди билсам, энам шунча йил бекор ювинтирган, бекор кўзойнагини синдириган,

Саломат ВАФО

ОЛТИНЧИ УНСУР

Ҳикоя

алла айтган экан, яна алла айтишди энамдан ўйга, унда ёғоч карт, ул азиз оғушдай, момик ва хузурбахш эди.

Так-так... Энди эсладим, мен тугилганда ҳам, отам чиқиб кетгандан сўнг, эшик зулфи шамолда худди шундай тақилларди. Хомага аллақандай галати нур қўюларди.

Так-так...

ШАМОЛ

Менинг қўлим йўқ, оёғим йўқ, қўрага кўзим йўқ, лекин эшик очаман. Мен тангрининг қаҳридан яралганман, мен унинг лашкариман. Менга бекладан нимарсаннинг ўзи йўқ. Шу қилигим учун энам мени, ҳаммиса оғоч бошига боғлаб қўяди. Ўзи қайларгадир кетиб қолади. Пастда алваста кампир эса, атайлаб жигимга тегиш учун, думбирасини чертиб, жазавога тушиб қўшиқ айтади:

Шамоол... шамоол... боланг қудуққа тушди, кетмонинг биладан белингни қўлигга олиб югуур.

Энам, болам дея, югуриб келади, мен бемалол оғоч бошида pista қақиб ўтирган бўламан. Энам қаҳр билан сувни силкитади, булутни қоқди, ерни ютади. Шунда қўлидан нимадир ялтираб тушиб, чил-чил булади. Не истиамини ўзи билмаган Алваста кампир яна думбирасини чалади:

Шамоол, боланг қудуққа тушди...

ҲАВО

Мени Борлиқ тўққан эди, мен унинг асир эдим. Борлиқда дунё ва мангуликнинг сир-асрори яширин. Айни ҳаво тўфайли Одам узлигини намоеън этади. Аввал — ҳаво, охири — ҳаво. Ҳаво Одам яралишининг бирламчи зарурияти бўлгани билан, уни ҳамма бирдай суймайди, чунки моҳиятан Ҳаво одамнинг менлигин ё бор, ё йўқ этади. Ҳавони Олом суймайди, унда узлик ва эътиқод гоиси ривожланмаган бўлади. Ҳавони юзага чиқариш учун жабҳани ва келажак ривожини фақат шахсларгина белгилайди ва йул бошлайди.

Миллиён йиллардан бери туктунман, қоронги зиндонлар мангу маконим, чўққидор қоялар йулимни тусган, олов тиллар чирмаб олади, бўйимда асрларнинг оғир занжири.



Қимирлаган сайин танамга шиша синиқлари ботади. Шуларнинг ҳаммаси бир жойга йиғилганда, нафас олмай қўяман, юрак бош бермай ўради, тана силкинади. Шунда қоронги макондан:

Ё тенгри, ё тенгри, ё тенгри деган нидо билан отилиб чиқаман.

ОЛОВ

Мени тоғдан ўғирлаб келадиган одам, хоридими, толдими — қувиб келиш жондорлар важоҳатидан қўқдимни, қоқилиб тушди. Шиша синиб, ҳар тарафга сачраб кетдим. Жондорлар атрофини ураб олди, уларнинг ёниш қорачида Мен аксланардим.

Аллақандай шарпадан сакраб турдим, пешонамга совуқ томчилар тушди. Бошим учиде ярим яланғоч аёл ултирар, ёғдуда яланғоч танаси ялтираб, узун сочлари шаршарадай оқиб, улкан бешиктерватардай тебранарди. Тухтовсиз тўкилаётган томчилардан қоқиб, бир чуқурчага беркинди олишдим.

Кун тугиб, менинг қудратим пасайиши билан, олис-яқиндан от кишлоқлари, қилич-қалқон зарби, сунгинг нафасда инграётган одамларнинг «оҳ-воҳи» эшитиларди. Неча бор қон дарёларига гарқ бўлдим, кўп замонлар ўзимнинг кимлигимни унутдим.

Аллазамонларда ўзимга келиб ёғду танимни тикласам, яна бир боши ёқиб аёл қошимга келиб тиз чуқди. Унга қараб ҳайратдан қотдим, назаримда девордаги тош санамга жон битиб, қошимга келгандай эди. Унинг сочи, юзи, киприклари, буртмиш синяси ва ҳатто юрагигача тош эди. Тош санам эгилар-букилар, аллаларсаларни пичирлар, киприкларидан дув-дув тош томчилар шақирлаб ту-

Шавкат ҲАСАН

ШЕЪР ДЕЪЛАНИ ~ БИРИНЧИ ҚОР...

Шеър дегани биринчи марта Ёгаётган энг тиниқ қордир. Эврилади ҳақиқий дардга, Кимнинг агар кўнглида бордир. Лабзимга томмасдан бурун, Кўксимизга сингади бу қор. Катталардай талашсан ўрин, Болалардай бўлар бегурун. Шеър дегани биринчи қор, ҳа, Эриса ҳар кимнинг қафтида — Ҳис этамиз илиқ кунлар ва Совуқларни унинг тафтида. Тортинчокроқ бўлади, демак, Кизаради баъзан лоладек. Инжиқ бўлар озгина, андак, Изгор уйда ўсган боладек. Ҳадик, сеҳр, севинч ва титроқ, Изтироб — мунг унда жамулжам. Шоирларга дўст бўлар бироқ, Шоирларга бўлмайдми махрам. Безакларни ёқтирмас унча, Ёлгонлар ҳам жонига теккан. Хушбўйдир у мисли гулгунча, Қай бир шўрлик кўксига эккан. Бировларга сақламайди кек,

Жафокаш йўқ ундан зиёда. Ўзимизга ўхшаган ўзбек, Ўзимизга ўхшаган содда.


Бокдим — ойнинг нуридай майин Ухларди у юмшоқ ва бесас. Жим кийина бошладим кейин, Томоғимга тикилди нафас.

Энди қайтиб келмоқ дарғумон, Эзиб-эзиб қоргандай хамир, Мана ўттиз йилдирки, ҳамон Бардошимни синайди тақдир.

Бир хўрсиниқ келди уйғониб Юрагимнинг ич-ичларидан. Табассумлар ётар чулғониб Лабларида, кулгичларида.

Қисмат билан ўйнашиб бекор, Охирида, мана, енгилган Кимса каби турибман ночор, Боши узра қаддим эгилган.

Томоғимда хўрлик бир ютум, Бу хўрликни ҳозир ютарман. Мен сен билан шавкатли эдим, Мен шавкатсиз чиқиб кетарман.



Бокдим сўнг бор, дилларим ўқсиб, Ухлар хануз гўзал ва бесас. Қўтарилиб тушмоқда кўксини, Кўксини унинг олмақда нафас...

Қачонким, қайрилма қошларинг камон Уқлари кўксимни айлади нишон?

Қачонким, лабингда инжу хандалар, Жисму жаҳонимни этди бандалар?

Рухимда кипринг қачон тортди саф, Кўзларинг чаросу тишларинг садаф,

Қачонким, сочимга оралади оқ, Қачонким, сочларинг бўйнимда сиртмоқ?

Жисмимни куйдирган бармоқларингму, Келмоқларингму ё бормоқларингму?

Қачондин бери мен сағонадирман, Сағона ичинда соғинадирман?

Қачондин, кўзларинг — ул куйдиргилар, Жафокаш жонимни куйдирадирлар?

Қачонким, қайрилма қошларинг камон Уқлари кўнглимни айлади вайрон?

Кўклам келди дала-тузларга, Адирларнинг ортидан писиб.

Тарашадай қотган юзларга Чимдимгина табассум осиб.

Далаларда бошладан бир саъй, Биласиз-ку, узум токени — Чангга ботиб қолган одамдай Сидира бошлади хокени.

Томоққа бир хўрсиниқ келиб, Беихтиёр қамашар кўзлар. Палтолари қоқиққа илиб, Кўйлак билан чиқибди қизлар!

Ў, бир ажиб насимлар эсиб, Силадилар мудроқ кўксимни. Кўнглимда хур хаёллар кезиб, Қушдай енгил сездим ўзимни.

Озорлар йўқ жонимда қишки, Мен хурсандман. Лекин муҳимми: Ҳаливери яшамоқ ишқи Тарк этмаса керак руҳимни!

ЧУЛПОН ВА ЎЗБЕК ТЕАТР САНЪАТИ

Чулпон чин маънода тугма талант эгаси эди. Унинг суз санъати оламидаги буюк ашфиётлари ва ютуқларининг асосида баъдий адабиётнинг инсон, халқ, миллат ва камият тақдирининг улуғ аҳамиятини жуда зур ва жуда тўғри тушуниши ётади. Чулпон ун етти ёшида ёзган «Адабиёт надири?» деган мақоласида...

Чулпоннинг театр санъатидаги фаолиятининг учинчи йўналиши шунки, унинг ўзи ўнла драматик асарлар мунозараларга сабаб бўлди. «Уртоқ Қаршибой» пьесаси матбуотда ойлаб муҳокама қилинди. «Еркиной» пьесасини танқидчилар эса «пролетар диктатурасининг душманлари томонидан ифода этилган афсона» ва уни «буғундан бошлаб пролетар саҳнадан кутариб ташлансин!», деб дағ-дағ қилдилар. Аслида пьесада адолат ва эркинлик ғояси тарғиб этилган эди, Чулпон қаҳрамон тили орқали «биз ҳали зиндонда юрибмиз», деб қизил империяга ишора қилган ва халқни озодликка даъват этган эди. Чулпоннинг яна бир пьесаси «Муштумзур» дейилади. Яқингача илмда Чулпоннинг «Муштумзур» ва «Замона хотини» пьесалари бўлган, улар йўқолиб кетган дейилар эди. Ёзувчи Мумтоз Мухамедов архивида Чулпоннинг «Замона хотини» пьесаси сақланиб турган экан. Комил Яшин билан бу ёзувчи 1928 йилда Санкт-Петербургдаги драматургияга бағишланган кенгашга Чулпон билан бирга боришган. Чулпон шу ерда асарни эсидан чиқариб қолдирган экан. Мумтоз ака олиб келган ва Яшин ака иккови бу асарни бир-бирига билдирмай сир тутишган. Улар камиянга топширди ва бирга нашрга тайёрлаб, чиқардик. Тадқиқотимиздан маълум бўлдики, «Замона хотини» билан «Муштумзур» битта асарнинг иккита номи экан. Яъни «Замона хотини» «Муштумзур» сарлавҳасида саҳналаштирилган экан. Пьесада ҳокимиятни адолатли, халқнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун ишлатиш керак, деган ғоя олға сурилади ва қаҳрамон тилидан Чулпон қизил империяни назарда тутиб «Қандай қилайлик, шуларнинг қўлида кул эканмиз!», «Йлоҳим ер ютсин болшевоини, ҳаммани қон-қаро қасштайти кетди!», дейди!

Чулпоннинг ўзбек театрига қўшган яна бир ҳиссаси унинг театр танқидчилиги ва назариячиллигида куринади. Чулпон республикада, Озарбойжонда, Туркияда ва Россияда, Украинада, Қозоғистон ва бошқа ерларда театр санъати, музика, ашулалчиликда қандай ўтуқ бўлса, шулар турғисида илҳос ва эҳтирос билан ёзди. Мақоласи охирида «Биз бу театрни ўрганишимиз керак», дейди ва Мейерхольд театрининг ютуқларини курсатган. «Бу театрининг соддалиги биз учун керак», дейди. Чулпон театр соҳасида ҳам, кўшиқчилик ва музикада ҳам бир томонламаликни — ўз сузи билан айтганда, — «ё ортинги» янгилик, гарблик, ё ортинча шарқликни ёқтираётган, аксинча, Шарқ ва Гарбининг ўз-ўзи қўшилишини истайди, орзу қилади. Буюк хинд ёзувчиси Тахур (Тагюр) ва турк шоири Ризо Тавфик ижодида шу уйғунлиқни куради ва уни «олтин кўприк», деб атайди. Чулпон «Шарқ ва Гарб уртасидаги олтин кўприкни элимга танитмоқчи бўлдим», дейди. Чулпон Ҳалима Носирова ва ота-бола Харратовлар турғисидаги мақоаларида ҳам Гарб музика йўлини ижодий ўрганишга даъват этади: «Ўз устозларимизнинг овоз техникасида ҳам кўз юммасдан, Гарб техникасини яқши ушлаштириш, маданий ва ишланган овозга эга бўлиш ҳар бир овозли йиғтимиз ва қизимизнинг вазифаси бўлиши керак», дейди.

Чулпон драматик асарлар ва театр турғисида сузлаганда, «Халқнинг руҳини яқши тушуниб» юксак баъдий даражада ёзилган ва қўйилган асарини тан олади, «сахнани воқеаларнинг куруқ бир хабаридан» иборат қилиб қўйган асарларни аямой фош этди. Адиб актёрлар турғисида ёзганда, «самимийлик, ролни англаб уйнашлик, саҳнада эркин бўлишлик»ни, сузаларни аниқ, тиниқ айтишликни ва гримни мезёр билан қилиш, саҳна декорацияларининг асар мазмуни даражасида бўлишларини талаб қилди. Чулпоннинг драматургия ва театр санъатини мухомуз турғисидаги бу ишлари ўзбек драматургияси ва театр санъатининг бугунги даражаси кутарилишида беистнос катта кўмак берди, унинг бу фикр, маслаҳатлари, уғитлари бугун ҳам ўз қимматини сақлаб қолди.

С. МАМАЖОНОВ

«Бу спектаклни томоша қилиб жуда мириқдим. Асар қаҳрамони чодирга кириб кетатуриб: «Мен қачон қайтиб чиқум, билмадим», — дейди. Лекин олти асрдан сўнг қайтиб чиқди».

Зийрак уқувчи аллақачон билдики, гап чодирга кириб кетиб, нақ олти асрдан сўнг чиққан соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳақида, турғи-роғи, «Соҳибқирон»ни уйнаган, «...ҳатто соқоллари ҳам ўзиники...» бўлган актёр ҳақида кетаётти. Авен пайқадингизки, лутф қилаётган шоир — Абдулла Орипов.

Ҳўш, таниқли шоирни нимаю ким бунча қойил қолдираётти?

Ҳаяжонга фарқ шоир билан бирга Байтуллоҳдан қайтаётганлари кутаётганлар орасидаги европача кийинган, куринишидан европача тарбия қўрган безовта кишига диққатингизни тортсак. Уз навбатда безовта номалум «европача» баланд буй, тула гавдали, қадам олишлари ҳам вазмин ҳожига тикилгани тикилган. Қалин соқоли, қошлари кескин қора, қирғиқараш ҳожининг очиқ юзида аксарият ҳаждан қайтувчиларга хос нур хил-васи зоҳир — бу унинг яқши инсонлиги белгиси. Ўзини кутиб олувчиларга кузи тушиб, табассумга мойиллашган бу одам даврга яқинлашганча хийла тузук ҳаяжонини яширишга улғурди. «Объект»нинг ҳар бир ҳаракатини куз узмай кузатганга, афтидан, ипидан ингагинача таҳлил қилаётган «европача» кичириб юборди: «Шу, ўзи! Улуғ Соҳибқирон шундай киши бўлган!»

Ҳожик-ку, қанчалик суюнмасин, ўзини тутди — ҳаяжонини яширди, аммо уни кутиб олувчилар қаторидаги номалум «европача» ҳаяжонини босолмасди: «Худди ўзи! — дерди яқаш. — Худди ўзи!»

Тақсир яқшимисиз, кимни кутгани чиққан эдингиз? Мени бировга ухшатдингизов, — деди ўзига қучоқ очавтган кишига қўлиб қучоқ оғчан куйи ҳожи. Кейин иҳл иккланди: Ҳамид акамасми? Куришдилар.

— Ҳа, ухшатдим. — деди чоғроқ жуссали киши ҳаяжонини ҳануз босолмай. — Соҳибқиронга ухшайсиз! Соҳибқиронга! Ҳа-ҳа, Амир Темурнинг ўзисиз, худди ўзи!

Теофаҳим ҳожи ҳамма гапни тушунди. Кузларидан ёш чиқиб кетди. Ҳожи — Уш драма театри актёри Салоҳиддин Умаров, рубарудаги одам машҳур режиссёр Ҳамид Қаҳрамонов эди. Шу тобда Тошкентдан келаётган Ҳамид Қаҳрамонов Соҳибқирон ролини уйновчи кишини излаб юрган эди. Топди! Ҳожи ҳаяжонланди.

— Амир Темурни мен уйнаймани?

— Сиз сиз. — таъкидлади Ҳамид Қаҳрамонов. — Шу турғишигиздаёқ Амир Темурнинг ўзисиз-ку! Сиз уйнайсиз!!! Шу кундан тинимсиз машаққат бошланди. Талабчан режиссёр кўнлар, ойлар давомида актёрларнинг бетиним ишлатди. Ҳожи ҳам роса қийналди. Салоҳиддин ҳожини-ку жонини кадига қамади. Эшон ҳазрат роли топширилган киши росмана эшон бўлиб чиқди. У актёрларга ҳар кун амир маъруф қилар, Қуръон тиловат айлаб, йиғилганлар баданини жимирлатарди. Бу ҳам Қаҳрамоновнинг нозик, дид қалбини се-

«ҲАТТОКИ СОҚОЛЛАРИ ҲАМ ЎЗИНИКИ...

жонини босолмасди: «Худди ўзи! — дерди яқаш. — Худди ўзи!»

Тақсир яқшимисиз, кимни кутгани чиққан эдингиз? Мени бировга ухшатдингизов, — деди ўзига қучоқ очавтган кишига қўлиб қучоқ оғчан куйи ҳожи. Кейин иҳл иккланди: Ҳамид акамасми? Куришдилар.

— Ҳа, ухшатдим. — деди чоғроқ жуссали киши ҳаяжонини ҳануз босолмай. — Соҳибқиронга ухшайсиз! Соҳибқиронга! Ҳа-ҳа, Амир Темурнинг ўзисиз, худди ўзи!

Теофаҳим ҳожи ҳамма гапни тушунди. Кузларидан ёш чиқиб кетди. Ҳожи — Уш драма театри актёри Салоҳиддин Умаров, рубарудаги одам машҳур режиссёр Ҳамид Қаҳрамонов эди. Шу тобда Тошкентдан келаётган Ҳамид Қаҳрамонов Соҳибқирон ролини уйновчи кишини излаб юрган эди. Топди! Ҳожи ҳаяжонланди.

— Амир Темурни мен уйнаймани?

— Сиз сиз. — таъкидлади Ҳамид Қаҳрамонов. — Шу турғишигиздаёқ Амир Темурнинг ўзисиз-ку! Сиз уйнайсиз!!! Шу кундан тинимсиз машаққат бошланди. Талабчан режиссёр кўнлар, ойлар давомида актёрларнинг бетиним ишлатди. Ҳожи ҳам роса қийналди. Салоҳиддин ҳожини-ку жонини кадига қамади. Эшон ҳазрат роли топширилган киши росмана эшон бўлиб чиқди. У актёрларга ҳар кун амир маъруф қилар, Қуръон тиловат айлаб, йиғилганлар баданини жимирлатарди. Бу ҳам Қаҳрамоновнинг нозик, дид қалбини се-

зиши, айниқса, асарни кўлга олганда «актёрни танлаш санъати бор»лиги (А. Орипов таърифи)дан эди. Қаҳрамонов суриштира-суриштира Эшон ҳазрат ролига талъати тоза, тақводор қорини топди. Шу боис ҳар бир репетиция тиловат дуо билан бошланиб, дуо билан тугарди.

тр кўйди. Ҳаммасини кўрдим, ҳамма театрлар узларича ҳал қилишган. Баъзиларида мен истаган матнлар учрамайди, баъзилар унга фантазиясини қушиб чатган, баъзиларда рассом ўзича ҳал қилган. Энг муҳими, бу ерда Соҳибқирон қиёфасини яратиш масаласи. Бу — жуда ҳам но-



Х. Қаҳрамонов халқ артисти Шукӯр Бурхонов билан. 1980 йилларнинг ўртаси

— ...Эҳ-ҳ, қандай маза қилиб ушанда, — дейди Ҳамид ака энди. «Соҳибқирон» муваффақиятга эришгандан кейин у кўнларни эслаб. Муаллиф шундай дейди: «Мазлумки, ҳар қандай пьесага турли режиссёр турли йўллар орқали ёндошади, турлича талқин ҳам қилади: Спектакл албатта, бир қарашда режиссёрнинг ва уша театрининг асарига айланади. Шунинг учун ҳам фалон театрининг спектакли деб эълон қилинади. Менинг асаримни Марказий Осиёда туртга теа-

зик масала».

Турт театрда Соҳибқирон турт хил талқин қилинди. Муаллиф битта Темурни тан олди: «Шу...» Лутф қилди: «...чодирга кириб кетатуриб: «Мен қачон қайтиб чиққум, билмадим...», — дейди. Лекин олти асрдан сўнг қайтиб чиқди».

Ҳўш, бу Соҳибқиронни халқ қандай кутиб олди? Бошқа Темурлар-чи?

Муаллиф дейди: «Ташки қиёфа ухшаса, томошабинларда жуда катта таассурот уйғотиши мумкин экан. Ҳожи

Ҳамидулла АКБАРОВ

ЯХШИ КУНЛАРИМИЗ КЎПАЯВЕРСИН

хурсанд бўлдим. Шу билан бирга, кутубхоналарда муроғат қилаётганларнинг театр ва курғазма залларида эсте-ти хэтиёларини қондираётган, бинобарин, маънавий жиҳатдан бойи бораётганларнинг сонин ортамайтганидан ҳаф бўласан, хавотирланасан... Телевидение курсатувларининг географияси бирмунча кенгайгани, айрим ёш тележурналистлар изла-ниши, айниқса, уй беклари ҳам, нуроний отахонлар ҳам телекамера ёнида узларини эркин ҳиз этиб дардларини, орзу-умидларини очик-ойдин изхор этишга урганганларни кувонтурси, савз телесериаллар, бачкана курсатувларни, миллионлар ҳузурида айтиш-қилар арузиғулк дурустроқ гапи бўлмаганларни экранда кўриб, хижолат бўласан... Ҳақиқий исломий тушунчаларни ТВД тарғиб қилиншида би-ров силжиш борлиги (Баҳо-дир Мухамедов раҳбарлигида ва иштирокидаги курсатув-ларни эсланг) бу йўлдаги из-лашни давом этаятгани ва самара бераётганини курсат-ди. Чунки, мусулмон мада-ниятининг фалсафий асосла-ри тилга олинганида абстра-

кт шаклдаги тасвирнинг, умумлашларига ундовчи рағзий ифодаларнинг мағзи-ни чақиш ҳам заъқ беради, ҳам фалсафий йўларга ун-даёйди. Шу билан бирга, ут-ган йили ҳам ТВ табиғията-зид бўлган ваъзонлик, наси-ҳатуйлик, кўна дунёда устун турган теран фикрларни ута соддалаштирилган ҳолда юзак шарҳлаш ҳоллари уч-бар турдики, бу ТВни (бино-барин томошабинни, жома-атчиликни) қенсимаслик, уни муस्ताқил санъат сифатида тан олмаслик оқибати, деб биланам.

... Шу дамларда Чулпон-нинг буюклигини, ижод боби-да ноёблигини телеэкранда-Наим Каримовдек инсон, за-коватли олим, камтарин за-мондошимиз тула-тукис оғна-диндан юртимиз, жаимиятимиз-фойда курди. Шу билан бир-га, миллатимиз курки, ифти-хори бўлиши Наби Ганиев ва Манас Левиев, Сулаймон Ҳужа ва Эргаш Ҳамроевлар-нинг номларини тиклаш, узларининг уй-музейларини бу-нёд этиш масалалари утган йили ҳам ҳал этилмаганидан уксиндик...

қадимий «Шашмақом» билан бирга «Анасоната»га, Ре-мбрандт, Леонардо да Вин-чи асарларига ҳам, ташна эканликларини кўрдим, улар бундай мақсадларига ети-шишлари учун кумақлашдим ҳам. Шунда ўзим ҳам яна бир бор ижод нашидасига тулиб тошган дақиқалардан баҳраманд бўлдим. Шунинг-дек, қанчадан-қанча ёшлар-енгил пул топиш йўлига утиб олганларни, билим макса-дларидан йироқлашиб кетган-лардан ҳафа бўлдим. Элимиз-га маънавий қашшоқ киши-лар эмас, ўқимлиши, нозик-дидли, билимдон мутахассис-лар зарурлигини эслатгим келди.

Жавобимни эшитиб шах-сий ҳаётингиз, ижодингиз ҳа-қида сузламангиз, деб таажаубландаётгандинсиз. Эх-тимол, ҳақдинсиз. Эндиликда бирор шахс фақат ўз та-швишлари, режалари билан, тор дорада утадиган муло-қот билан келганини қолгани-да ўзини бахтли ҳиз этол-майди. Ҳар биримиз умр-мазмунини белгилашга узга мезонлар танлаймиз...

Утган йилги яна бир-икки воқеа.

Президентимизнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яқшилатиб ва тақомиллаштириш турғисидаги фармони айни давр талабига жавоб берадиган муҳим воқеа бўлди. Унда курсатилганидек, ҳақиқатан ҳам бугун ҳаёнда музейлар халқнинг маънавий-ахлоқий ка-молотида, дастававл унинг он-ғида миллий гуруҳ ва ифти-хорини, истислоҳ гошларига са-доқат ва она Ватанга меҳр-му-ҳаббат туғилуларини уйғотиш-да, фуқароларимизнинг икти-моий-сиёсий фаолиятини куч-айтиришда зарур восита ҳи-собилади. Шунинг учун ҳам мазкур фармон ҳозирги тар-қибимизда халқимизнинг ма-даний-маънавий савиясини яна ҳам юкори поғонага кута-ришга хизмат қиладиган тар-ихий ҳужжатдир.

Кейинги бир ярим аср да-вомида дастлаб чор Россияси мустамлакеси даврида, кейин кийин империя ҳукронлигида улқамизнинг ниҳоятда бой моддий-маънавий мероси та-лон-тароҳ қилиниб, кўлаб ноёб тарихий буюмлар ва ба-дий асарлар турли йўллар билан Россиянинг марказий шаҳарларига ва бошқа узюк-яқин чет юртларга олиб ке-тилган. Афсуски, халқимиз-нинг авайлаб асраб келинган хилма-хил моддий ва маъна-вий маданият намуналарини кўп вақтлар эса урганилмасдан ҳор бўлиб ётган. Собик Совет тузуми даврида халқ хунар-

НОЁБ ХАЗИНА

бажаришда, қарорда курсатил-ганидек, энг йирик ҳисобланган Узбекистон тарихи Давлат музейи, Теурийлар тарихи Давлат музейи, Узбекистон Давлат санъат ва халқ амалии-санъати музейлари, Самарқанд, Бухоро, Ҳива, Фаргона давлат музей-курсионларининг урни алоҳида.

Маълумки, узюк даврлар хор бўлиб эътибордан қолиб кетган, маданий меросимизнинг ноёб хазинаси ҳисобланган музейла-рихияз молиявий таъминоти ни-ҳоятда паст бўлиб, уларда иш-лайдиган ходимларнинг моддий таъминоти ҳам яқши эмасди. Музей экспонатларини бойитиш учун зарур маблағлар мўлқло

ошириш ва зарур кадрлар тайёрлаш учун университетлар, маданият институти қошида махсус бўлим ёки кафедралар очиш мақсадага мувофиқ. Олий даражадаги музейшуносларни тарбиялаб етиштирмагунча, бу ишга оид барча ташиқлотлар ва маассасалар фаолиятини муво-фиқлаштириб, уларга илмий-ме-тодик раҳбарлиқни турғи йўлга қўймагунча, ташиқлий жиҳатдан кўп учрайдиган бюрократик го-варлари йўқотмагунча мазкур фар-мони тула амалга ошириш ан-ча қийин.

Музейлар нафақат маданий-маърифий ташиқлот, улар муҳим илмий-тадиқот маскаллари ҳам ҳисобланади. Улардаги ходим-

лар Ватанимизнинг кўп жилдик тарихини яратишда ўз ҳисса-ларини қўшиб келмоқдалар. Аммо кейинги йилларда фондлар ва экспозицияларни бойитиш мақ-садида маршрут ва стационар экспедициялар утказиб, ноёб та-рихий буюмларни тўплаш иш-лари даярли тўхтаб қолган эди. Шу сабабдан музейшуносликда илмий-тадиқот ва тарғибот иш-лари ҳам анча сусайган. Жаҳон тақрибаси шунини курсатдики, му-зейларнинг илмий-маърифий аҳамияти зурлиги туғайли улар-ни катта маблағ билан таъмин-лабгина қолмай, моддий-техника-билан таъминланган фонд ашёла-рини сақлайдиган ва таъмир-лайдиган махсус ҳовалар, замо-навий техник воситалар урнатил-ган курғазма залларга эга мах-сус дабдабаги бинолар ажратил-ган. Ажнобиий мамлакатлардаги

кўп музейлар йирик илмий-тади-қотот марказларига айланган.

Мана бир йил бўлдики, пойтихтимиз марказида қад кутариб турган хашаматли Музей тарихи Давлат музейи узанинг олижанон вазифасини бажариб келмоқда. Шу йилдан бошлаб Президентимиз фармо-нига жавобан музейи ходимлари фундаментал илмий муаммолар-ни тадиқ қилишни режалаштир-моқдалар. Масалан, 1998—1999 йилларга мўлжалланган тарихий-этнография ва археологик тадиқ-отлари (фундаментал мавзу) «Узбекистонда теурийлар дав-ридан ҳозиргача анъанавий ҳу-ржалик, моддий ва маънавий ма-даният тароқиети» масаласига бағишланган. Асли Марказий Осиё халқлари ва элгалари ҳақ-қоний равишда буюк Соҳибқир-он даврида яратилган Уйғонинг маданиятининг нимакам меросху-ри ҳисобланади. Музейи ходим-лари теурийлар авлоди — узю-беклар ва минтақадаги бошқа туркий халқларнинг анъанавий касб-хунарлари, махсуслотлари, турар жойлари, уй-хонлилари, кийим-кечақлари, безаклари, уй-рузгор, хужайи буюмлари, ама-лий-бадий санъат намуналарини тўплаш ва тадиқ қилиш ус-тида жиддий изланишлар утқа-зишни мақсад қилиб қўймоқда-лар. Улар музейи экспозицияси-ни бойитиш, системалаштириш ва руйяатта олиш, фонд бойлик-ларини илмий таҳлил қилиб, мунтазам равишда олмавий-ах-

борот воситалари ҳам илмий-оммабоп асарлар орқали халқ-қимизга ва меҳмонларга ет-казиш асосий вазифа эканли-гини яқши тушунадилар.

Улқамизда теурийлар даврида яратилган тарихий-археологик ва ёзма обида-ларини урганлиш мақсадида бошқа ҳамкасблар билан бирга комплекс экспедиция-лар ташқил қилиш ҳам режа-лаштирилмоқда. Шубҳасиз, бундай эзуу илмий-тадиқот-ларни амалга оширишда маз-кур фармонда курсатилган моддий-техника ва маблағ ажратиш турғисидаги қарор-лар бизга катта ёрдам ва му-ҳим омилдир. «Мозийдан са-до» журналининг таъсис эти-лиши музей ишларини ва тадиқот натижаларини тар-ғиб қилишга, кенг омманинг, айниқса, ёшларнинг тарихий онгини устиришга фойдали восита бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз. Ва яна кат-та умиддамиз — мазкур тар-ихий ҳужжатда белгиланган доно тадиқларни қозғашда қол-масдан, амалда ҳайта тулук курсатилган мўддатда тадиқ қилинса, музейларимизнинг, келажаги, иншооллоқ, буюк бўлади.

Исо ЖАББОРОВ, Узбекистонда хизмат қўриган фан арбоби, Теурийлар тарихи Давлат музейи бўлим бошлиғи, Саодат САИДХОНОВА, музейнинг илмий котиби

От тугрисида куп китоб ўқиганман. Инсоннинг огирини енгил, узогини яқин қиладиган вафодор бу жониворни жаҳоннинг жуда кўп қаламқашлари алоҳида меҳр билан тасвирлаганлар. Толстойнинг Холстомери, Айтматовнинг Гулсариси, Тоғай Муроднинг Тарлони сира кўз олдидан кетмайди.

Баъзан, «Биз жониворлардан узоқлашиб кетмаемизми?», деган уй бошимда айланади. Табиати асрашни, атроф-муҳитни тоза сақлашни куп гапиримиз. Аммо «Жониворларнинг севино», деган гапга тилимиз бормайди. Тошкентдек шаҳри азимда отни кўрмай, туюни кўрмай вояга етган болаларни биламиз. Улар бу жониворларни фақат ҳайвонот боғларида, киноларда кўришган.

Агар шу болалар «Алвидо, Гулсарини!», «От кишнаган оқшом» қиссаларини ўқиганларида, аминманки, уларда жониворларга нисбатан ажиб бир меҳр уйғонарди. Ургутда адир тепасидаги Навруз байрами ўтказилган ялангликка чиқадиган тик сўмоқ ёнбошида бир қадр бор. Андак тўхтаб, унга эътибор беринг. Бу жанги, қаҳрамон отнинг қабири. У фронтда яралган эгасини олиб кетаётган санитар вағони орқасидан югуриб, поезд тезлаб кетганда етолмай, йўлда қолиб кетган. Неча ойлаб тоғ-тошлардан, дарёлардан ўтиб, чўлларда саргардон бўлиб, охири Ургутни топиб келган. Бу вафодор от эгасини кўриш илнжиди ойлаб Самарқанд вокзалидаги поездларни бошдан оёқ айланчидаки. Узига таниш санитар вағонини тополмай, келгуси поездни кутади. Ургут билан Самарқанд оралигида қатнайвериб тўвқлари едирилиб, юришга имкон бермай қўяди. У охири қадрдон чавандозига илҳақ бўлиб жон беради.

Минг тўққиз юз олтиминчи йилда кончилар тугрисида бирон нима ёзиш ниятида Оҳангаронга бордим. Юз метрча чуқурликдаги шахтага тушганимда гаройиб воқеага дуч келдим. Бу воқеа мени ҳали-ҳали ларзага солади. Илгари бошимга қора кунлар ёғилганда Жеқозгон мис конлари шахталарида ишлаганман. Ер қаъридаги бунақа ҳаёт менга таниш эди. Боя айтганим — мени ларзага солган нарса — кумир қонида ўн етти йилдан бери ёруклик кўрмай, тоза ҳаводан

нафас олмай яшаётган от эди.

Бу от қирқ биринчи йили фронтга жунатилди. Икки йил жанг қилади. Яралган отлар қатори «брак» қилиниб, кумир конлари бошқармаси ихтиёрига юборилади. Шу тариқа у фронтдош дустлари билан Оҳангаронга келиб қолади. Уша пайтларда электр қувватининг етишмаслиги сабабли техникани ишлайтиб бўлмади. Электр қуввати фақат шахта ичини ёритиш ва ҳавони тозаловчи вентиляторни айлантиришга зурга етарди. Отлар ер тагига туширилди. Кумир ортилган вағончаларни тортиш шулар зиммасига тушди. Яраси битиб, асил ҳолига келган от исён кутариб юк тортмай қўйди. Шунда ер устидан бир яхдуй мол духтири тушиб, уни ахта қилиб қўйди. Ана шундан кейин у ювот тортиб, итотли бўлиб қолди. Куп отлар ҳаво етишмаслигинда, оғир меҳнатдан бирин-кетин ула бошлади-лар. Юқори қувватли электр линиялари тортиб келтирилгандан кейин отлар керак бўлмай қолди. Улар ишдан озод қилиниб, ер бети-га чиқазилди. Аммо, ёругликка чиққач, қорачиклари кенгайиб кетгандан кучли ёругликка чидамай, ҳаммаси кўр бўлиб, бадбўй, ифлос ҳавога ўрганган улқалари тоза ҳавога дош беролмай қолди. Шахтада қолган уч-турт от ҳам ўлиб кетди. Фақат шу биргина от ҳамон ер қаърида яшапти.

Бошимдаги каска чирогини отга тушираман. У жимгина тураверди. У ахта қилгандан буён ана шунақа берафқар, лоқайд бўлиб қолган экан.

Менга ҳамроҳ бўлган кон муҳандисига қарайман. — Бунни нима қилмоқчисизлар? Юқорига чиқазилса қўри бўлиб ўлиб кетди. Бечора шу ерда яшайверадими? — Бошқа илож йўқ. Худо қанча умр берган бўлса шу ерда поёнига етказди.

Уз улимини соқин, итот билан, исёнсиз кутаётган бахтсиз жониворга қараб юракларим зиркираб кетди. Қанчалар раҳмсиз бўлиб кетганми-а, дейман, узимга ўзим. Динга қарши тинимсиз ташвиқотлар уз ишини қилмаётганмикин? Дилимиздан имон кутарилмаётганмикин? Наҳотки Худо ни унутавдиз? Йўқса бу шафқатсизлик бизда қайдан пайдо бўлди?

Қамок лагерларида умри-ни ўтказётган маҳбуслар

уйини, бола-чақаларини соғиниб мушук боқишарди. Уларни туймаган овқатдан қилиб мушукларга беришарди. Лагер сивсий раҳбарини шу мушукларни қолга солиб, олов гуриллаб ёнаётган нонвойхона печига ташлаганини кўрганман. У алан-гада жизганак бўлиб ёнаётган мушукларни завқ билан томоша қилганди. Бу шаф-

мёт товушини эслатувчи овози, улар кучирган кумир харсангларининг пастга қарсиллаб тушишидан ҳосил бўлган момақалди-роқдек ваҳимали товуши мени довлдиратиб қўйди, кулоқларим битиб, чиқиб жойига келдим. Ҳамроҳим юқорига чиқиб кетган экан. Лифтчи чол аҳолимни куриб, темир

ийдирганларини, илиқ хушбуй она сутини мириқиб эмганларини эслаётгандир. Чакмоқ чақиб, момақалди-роқ гўмбурлаб, ёмғир кўйганда онасининг иссиқ пинжига суқилганларини хаёлидан ўтказаетгандир. Авжи гунон бўлган пайтида рақибларини догда қолдириб кўнгли хушлаган сулув

меҳмон. Шу ганимат, кейин ҳеч қачон қайтиб келмас дамларни қоронги зиндонда ўтказиш нақадар янқич, нақадар армонли...

Шу тоғда, ер тагига от уйлапти, мен уйлапман.

От яшил яйловларни кўрапти. Она бағрида яйраганларини эслапти. Мен биринчи китобим чиққан, қувончим оламга ситмас бахтиёр дамларни куз юмиб хотиримда жонлантираман.

Бейхитир отга қарайман. У ҳамон бош эканча лоқайд турарди.

— Э, биродар, не гуноҳинг бор эдики, сени шу алпозга солишди? От тилга киргандек бўлди.

— Менда қандай гуноҳ бўлсин. Бир безабон жониворман. Одамларнинг юкини енгил қилдим, узогини яқин қилдим. Узимни инсоннинг дусту дегандим... Ҳайронман. Олис юртларда жангларга кирдим. Одамлар менга ўқ уздилар. Яраланиб, олис юртлардан ватан деб билган манзилга етиб келдим. Мана, куриб турибсан уша соғиниб келган ватанда оғтоб кўрмай турибман...

— Биламан, биламан, жонивор. Халқлар отаси ҳулу куруқни баробар ендирган эди.

— Сендан бирон зурриёд қолмадими? — деб сўрайман ундан. У бош чикади.

— Мени бундай бахтдан мосуво қилганлар.

Кўксимда бир дунё ғам билан ер бетига чиқиб кетдим.

Осмон кум-қук, уқлардек оппоқ булутлар беозор сузади.

От пастда, қуёшсиз, ойсиз, юлдузсиз маконда мунг тула кузларини юмганча қора тақдирини поёнига етказиш учун зимистонда қолдириб, тоғ томон кетди. Ёмғир тинган, лекин тоғ бошида булутлар гўж-гўн уйнарди.

Довонга кутариламан. Ёнабгирларда уюр-уюр йилқилар утлаб юришибди. Улар орасида мен билган отнинг зурриёди йўқ. У дунёдан ном-нишонсиз кетган...

«От кишнаган оқшом» қиссасининг сунги сатрларини еддан ўқийман: «...Аё Тарлон, сен меннинг акамсан. Ука дегулик мендайн уканг бор... Аё Тарлон, сен меннинг қиёматлик биродаримсан, қиёматлик...»

Утган йилни водийга машинада кетаётганимда ёмғир қуйиб юборди. Олмалик йулдан Оҳангарон томон бўрилишда ҳассага таянган бир кекса одам ёмғирда ивиб, утган-кетган машиналарга кўл кўтариб, олиб кетишларидан умид қилиб ту-

рарди. Унинг ёнгинасига келиб, машинани тухтатдим. У ашиқни очиб, Ангренага олиб кетишимни суради. Олиб кетдим. У менга икки-уч марта қараб олгач:

— Сизни танийман, биродар, — деди. — Эсингизда борми, уттиз етти йил олдин сизни саккизинчи шахтага олиб тушгандим.

Тасодифни қаранг, шунча йилдан бери хаёлимни банд қилган одамни топдим. Унинг шошиб суради. «Эсингиздами, бу, шахтадаги от? У нима ҳуду изтироб билан, паст овозда «Улди», деди.

— Сиз келиб кетганингиздан бирон йил ўтиб жонивор қазо қилди. Жасадини Жигаристондаги фронтчи дустларни дафн қилинган жойга қумдик. Жуда баҳаво жой. Баланд адир пойида. Кон ветеранлари маслахатлашиб шу отларга ёдрорлик урнатмоқчи бўлди. Бироқ ўзингиз биласиз, Жигаристон воқеасини бутун дунё билиб кетди. Бемаҳал келган ёмғир селга айланган куприқларни бўзди. Дарахтларни кўпорди. Адирнинг таги нам тортиб, сурила бошлади. Охири уприлиб одамларнинг уйларини босди. Эҳ-ҳе, қанча одам тупроқ тагига қолди. Ушанда отларнинг мозори ҳам тупроқ тагига қолиб кетди.

Бу гапдан инграб юбордим.

Тақдирни қаранг, бу бахти қора отнинг ўн етти йил ер тагига яшагани, ер тагига жон бергани камлик қилгандек қабри ҳам ер тагига қолиб кетибди. Узи айтгандек «ватанини топибди».

Хамроҳимни Ангренада қолдириб, тоғ томон кетдим. Ёмғир тинган, лекин тоғ бошида булутлар гўж-гўн уйнарди.

Довонга кутариламан. Ёнабгирларда уюр-уюр йилқилар утлаб юришибди. Улар орасида мен билган отнинг зурриёди йўқ. У дунёдан ном-нишонсиз кетган...

«От кишнаган оқшом» қиссасининг сунги сатрларини еддан ўқийман: «...Аё Тарлон, сен меннинг акамсан. Ука дегулик мендайн уканг бор... Аё Тарлон, сен меннинг қиёматлик биродаримсан, қиёматлик...»

Бу сузлар инсоннинг энг яқин дусту, вафоли жураси — от шаънига айтилган мадҳу таронадир.

## ОТ БИЛАН СЎХҲБАТ

Хотира дафтарида



қатсиз одам ибодат қилаётган насронийларни, номоз ўқийтган мусулмонларни аямасдан калтақларди. Бу хил шафқатсизликлар ушанақа имонсизлардан утмаганмикин?

Шундай изтиробли хаёллар билан отдан узоқлашдим.

Гоҳ эмақлаб, гоҳ букилиб, вагончаларга, электр силмиларига тегиб кетишдан қўриқиб минг бир хавотир билан шахта йулларини айланиб чиқдим. Теламда ким билсин, неча миллион тоннали ер қатлами. У тинимсиз қисирлайди. Ҳар бири уйдек-уйдек келади деган кумир харсангларининг дарзидан қурум туқилади. Вагончаларнинг тарақа-туруқ товушлари, тепадан ёмғирдек қуйилаётган суварларнинг шовқини, сув тортаётган насосларнинг тинимсиз гувилаши, пармаларнинг пуле-

курсини мен томон суриб қўйди.

— Бир пас дам олинг. Анча уриниб қопсиз. Шахтага биринчи тушган одам шунақа эсанкираб қолади.

Утирдим. Икки кўзим отда. Унинг бадани ҳаракатсиз эди. Ер бетидаги отлар танасига кунган пашшаларни думи билан ҳайдайди. Думи етмаган жойларига кунганларини терисини дигриллатиб учириб юборди. Бу жойда на пашша, на чивин бор. У отнинг узи эмас, гўё ҳайкали эди.

От ҳам уйлармикан, дейман, узимга ўзим. Кўрган кунларини эслармикан? Толстой ҳам, Айтматов ҳам от уйлаш, эслаш қобилиятига эга жонивор, деган. Шундай бўлса бу от ҳам болалигини эслай олади. Шатақ отиб яйраган яшил йаловини, онасининг тулиб, тирсиллаб турган елинини боши билан туртиб-туртиб

бияни эргаштириб уюр орасидан голибона олиб ўтган пайтларини нақотки эсламасан!

Бу руҳий ҳолат, бу эрк соғинчи менга таниш.

Йигит ёшим барқ урган, уйланиб, ҳаёт нашъасини сураётган, ёниб ижод қиллаётган пайтида мени зиндонга ташладилар. Ёруғ тушмайдиған, ташқаридан тик этган товуш келмайдиған акка зимистон хонада (одиночкада) ёганимда худди шу отга ушаб қўрган-кечирганларимни эслаб утирдим. Қизик, негадир фақат баҳор пайтларини эслардим. Урик гуллаган, шаббода шафтоли гулларини тўзгитарди. Махжунотларнинг узун яшил сочлари боши уйғонган майсаларнинг башларини силарди. Жаннатга бермағулик ўзбек боғларида баҳор бир неча ҳафталик меҳмон эди.

Йигитлик ҳам ана шундай

нинг кинога бўлган муносабатини урганган М. Алиев «Халқ севган санъат» номили китобини ёзди.

1977 йили Мухсин Алиев фаолияти илмий йўналишига утади. Тошкент Давлат Маданият институти маданий-оқартув ишлари кафедрасида катта ўқитувчи сифатида иш бошлади. Институт ректорини А. Қаюмов талабалар учун кино санъати курси ташкил этишни тақлиф қилди. Мухсин Алиев ушбу мураккаб ишни амалга ошириш учун укув методикасига оид ҳужжатларни урганчи чиқадди. 36 соатли укув плани институт илмий Кенгаши томонидан тасдиқланади. Талабаларга 3 курсдан «Кино асослари» курси қўйилади. Шундан сунг Мухсин Алиев укув кулланма устида иш бошлаб юборарди. Кафедра қошида унинг ташаббуси билан янги «Маданий оқартув муассасаларини ташкил қилиш ва бошқариш» курси ташкил этилади.

М. Алиев 1978 йили кинематографиячилар билан

Англияга боради. Бундан ташқари, 1980 йили Хелсинкида «Маданият ва замонавийлик» мавзусида утган семинарда «Кино ва янги авлод тарбияси» хусусида маъруза қилади. 1983 йили Америкага бориб, Холливуд, Америка кино институти, Диснейлендда бўлиб Америка кино санъати билан яқиндан танишади.

Кино соҳасидаги амалий, илмий изланишларини изчил давом эттирган М. Алиев «Кино асослари» укув дарслигини ёзади. КИТОБ 1983 йили «Ўқитувчи» нашриётида босилди. 1988 йили у Маданият институти маданий-оқартув ишлари кафедраси профессори бўлди.

Мухсин Алиев кино соҳасидаги фаолиятини ҳам амалий, ҳам илмий тарзда олиб борган Забардаст, Фидойи инсон эди. Муборак Рамазон ҳайити кунларида унинг руҳи шод бўлишини Парвардигори оламдан сураб қоламиз.

Н. МУҲАМЕДОВ

## Еқнома

Раҳматли бувам Ҳикматқори ва бувим Ҳақимахон отин улуг айём—ҳайит кунларида утганлар хотирасини ёд этиш, уларнинг руҳига қурьон тиловат қилиш, қариндош-уруғлар, ёру биродарларни зиёрат қилиш савоб эканлигини доим ўқидирамиз. Ушбу йил Рамазон кунларида йирик киношунос, журналист ва адиб Мухсин Алиев руҳини шод этиш ниятида у босиб ўтган ҳаёт йулини яна бир бор эслашни лозим топдик.


М. Алиевнинг усмирлик йиллари уруш даврига тугри келди. Отаси фронтга жунаб кетгач, онаси билан ёлғиз қолди. Онаси ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, уни ўқитди. 1946 йили Тошкентдаги 16-урта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, онасининг хоҳиши билан Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирарди. Лекин маълум сабабларга қўра 3-курсда ўқини тухта-тих мажбур бўларди.

Мухсин Алиев ёшлигида ноқ адабиёт ва санъатга, айниқса, журналистикага қизиқар эди. Унинг дастлабки мақолалари 1949 йили «Кизил Ўзбекистон», «Ёш Ленинчи» ҳамда «Ленин учкунини» газеталарида чоп

## ТАНИҚЛИ КИНОШУНОС ЭДИ

этилди. Айни пайтда, Аҳмаджон Юнусов томонидан ташкил этилган драма тугарагида фаол қатнашди. Адабиёт ва санъатга бўлган иштиёқ уни 1950 йили «Ёш Ленинчи» ҳозирги «Туркистон» тахририга тағайинлаб олиб келди. У меҳнат фаолиятини адабий ҳодим сифатида бошлади.

1951—1953 йилларда радиокомитетда диктор, муҳаррир бўлиб ишлади. Бу даврда у фан, маданият ва санъатимизнинг кўзга қўринган арбоблари — олимлар, артистлар, бастакорлар билан яқиндан танишди. Узига ниҳоятда талабчан Мухсин Алиев 1953 йили Низомий номидаги Тошкент педагогика институтига ўқишга кирарди. Институтда у М. Шайхзода, А. Абдурашидов, А. Рустамов, Т. Салимов, А. Бобононов, А. Акбаров каби устозлардан сабоқ олди. Институти имтиёзли диплом билан тугатгандан сунг Ўзбекистон давлат бадиий адабиётлар



нашриёти Шарқ бўлимида иш бошлади. Бу ерда Рабиндранат Тагор, Лу Син, М. Нацаджорж, Аҳмад Аббос, Қришан Чандр каби Шарқнинг буюк сиймолари асарларига муҳаррирлик қилди. Машхур «Минг бир кеча» араб эртақларининг 1—5 томлари унинг тахрири, 6—8 томлари эса тақризи остида чоп этилди. Нашриётдаги фаолияти даврида Мухсин Алиев таржима билан жид-

дий шугулланди. Ўзбек китобхоналари Л. Толстой, М. Горький, Сохиб Жамол, Чхоу-Либо, Есно Хотта, В. Кожевников, Альберто Моравио, Катерина Суссана Причард, Клара Агуст каби ёзувчиларнинг эртақ, ҳикоя, қисса ва романларини унинг таржимасида ўқиб чиққанлар.

1960 йили Мухсин Алиевнинг илк китоби ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Бу машхур режиссёр Комил Ерматовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги тадқиқот эди. Асар уша даврда нафақат муаллиф учун, балки бутун ўзбек кино санъатида катта воқеа бўлган. 1962 йили эса унинг кино ва театр актрисаси, Халқ артисти Лутфиҳоним Саримсоқова ҳақидаги китоби чиқди.

Изланиш ва тадқиқотга кучли қизиқиш 1962 йилда Мухсин Алиевни А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига етказди ва у бу ерда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1965 йили Мухсин Алиев Ўзбекистон Давлат кинематография комитети кинофақрига ва кинопрокат бошқармаси бошлиғи бўлади. Шундан бошлаб «Ўзбекфильм» киностудияси филмлари

намойиши ҳамда таҳлилида фаол қатнашди. Мағбуотда бу борада уз фикрларини билдириб туради. Телетомошабинлар яхши эслайдиган «Оловидиннинг сехри шамчирогини», «Сатурннинг тугатилиши», «Қилич ва қалқон», «Резидентнинг хатоси» каби 20 дан ортққ филмлари маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилган. 1968 йили М. Алиев Ўзбекистон Давлат кинематография комитети раиси уринбосари этиб тайинланди. Маълумки, 1968 йил октябр ойда Тошкентда биринчи Осиё ва Африка мамлакатлари Халқаро кинофестивали ўтди. М. Алиев ана шу фестивал ташкилотчиларидан бири эди.

Мухсин Алиев ўзбек ва рус тилларида чиқадиган «Кино» журналининг ташкилотчиларидан бири эди. У Ўзбекистон Давлат кинематография комитетида турли лавозимларда ишлаш жараёнида қўлгина ишларни амалга оширди. Барча кино конференциялар, симпозиум, фестивалларда, адабиёт ва санъат декадаларида, кино байрамларида фаол иштирок этди.

Куп йиллар давомида республиканинг турли вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқларида бўлиб кишилар-

**МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

**НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ**

**Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ**

1998 йил

Мавзилими: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона телефони — 133-52-91

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахоҳис. Мавзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

**Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

Редакцияга келган қўлашлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланши мумкин.

Нашратчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ

**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

**СОГУВДА НАРХИ ЭРКИН**